



45
(1363)-son
9-noyabr
2018

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОҢДА:

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР

Солиқ ва АНТ **2-бет**

ОНЛАЙН-ТОРГОВЛЯ

“Узавтосаноат” начал
прямую продажу
автомобилей через
интернет **6-бет**

ИНТЕРВЮ

Таълим сифати
нималарга боғлиқ?
8-9-бетлар

ХИТОЙГА САЁҲАТ

Тилимиз бошқа,
дилимиз бир... **10-бет**

ДАСТЛАБКИ БИЛИМ

Кибержиноятчиларни
четлаб ўтинг **11-бет**

ИННОВАЦИЯЛАР

Қозоғистон Осиё ва
Европа ўртасидаги
“күприк”ка
айланмоқчи **12-бет**

МУТОЛАА

Зурриёт
(ҳикоя) **14-бет**

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ

(2018 йил якунлари)

Маҳаллий бюджетлар
ихтиёрида **5,5 трлн.**
сўмдан зиёд наблағ
қилиши кутилмоқда.
Бу ўтган йилгидан
6 баравар кўп.
Давлат бюджети
даронадларининг
кутиляётган ижроси —
74,5 трлн. сўм,
тасдиқланган параметрлар
12,3 трлн. сўмга
ортиги билан бажарилиши
кутиляпти.

Manba: МВИА вазирлиги



РАҚАМЛИ ДУНЁ МУЪЖИЗАСИ



“RRTM”дан тиниқ овоз ва ёрқин тасвирлар

Мана, юртимизда кўплаб қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган, ҳар бир соҳада янгиликлар жорий этишга ҳаракат қилиниб, юксак марралар сари одим ташланган 2018 йилнинг тарих зарварларидан ўрин эгаллашига ҳам оз фурсат қолди. Қувонарлиси, ўтган бир йилга яқин вақт давомида сезиларли ютуқларга эришган соҳа корхоналари анчагина. Мазкур қўшаҳифамизда улардан бири — “Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси фаолияти, эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Корхона ҳақида

“RRTM” ДУК Тошкент шаҳри, республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган ҳудудий филиаллар — Радиотелевизион узатиш марказларини ўз ичига олган йirik корхонадир. Корхонада бугунги кунда 1100 нафардан ортиқ ходим фаолият олиб борапти.

Жамоа мутахассислари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва но-

давлат телерадиокомпаниялар буюртмасига биноан, уларнинг теле ва радиодастурларини шартнома асосида ер усти телерадиоузатиш тармоқлари ва ер сунъий йўлдоши алоқа тизимлари орқали узатиш ишларини бажаришяпти. Шунингдек, мобил алоқа операторлари учун минора-мачта иншоотларини ижарага бериш, буюртма асосида чет эл давлатларига қисқа тўлқинли диапазонда радиодастурларни узатиш хизматлари кўрсатилади.

2017-2018 йиллар давомида фаолиятни такомиллаштириш ва янада яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди. Улардан бири корхона фаолиятига ISO 9001:2015 халқаро сифат менежменти тизими жорий этилиб, мувофиқлик сертификати олинганидир. Корхонада ишларнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши натижасида сезиларли ўзгаришлар ва самардорликка эришилди. Буни кўйидаги натижаларда ҳам кўриш мумкин.

4-5-бетлар ▶

ЭЪТИРОФ

ТОШКЕНТДА OPEN DATA CHALLENGE ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

3-бет ▶




Жорий йилнинг 30 ноябридан 2 декабрга қадар пойтахтимизда Open Data Challenge-2018 (Хақатон) — очик маълумотлардан фойдаланган ҳолда иловалар ишлаб чиқиш бўйича анъанавий танлов бўлиб ўтади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши остида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази, Тошкент шаҳридаги Инха университети, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари

кординатори, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вакиллиги, Жаҳон банкнинг Тошкентдаги вакиллиги томонидан ташкил қилинмоқда.

Танлов ҳамкорлари — “UZINFOCOM” МЧЖ ягона интегратори, “Xabar” газетаси ва “ICT News”, “InfoCOM.UZ” журналлари.

Open Data Challenge танловида иштирокчилар очик маълумотлардан фойдаланиб, аниқ белгилаб берилган муддат ичида абстракт ғояларни янги веб ёки мобил хизматларнинг тажриба намуналарига ёки алфакўринишларига келтиришади.



СОЛИҚ ВА АКТ

солиқ тўловчилар учун интерактив хизматлар тақдим этилмоқда

Солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилишига эришиш давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг устувор вазибалари сирасидандир.

Бугунги кунда Давлат солиқ кўмитасининг Электрон давлат хизматлари — my.soliq.uz портали орқали 35 турдаги электрон давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Улардан 15таси — ахборот давлат хизматлари, 20таси — интерактив давлат хизматлари таркибига кириди. Порталда юридик, жисмоний шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектлари орқали солиқ тўловчининг “шахсий кабинет”лари жорий этилган.

Тизимдаги интерактив хизматлар орқали солиқ тўловчининг “шахсий кабинети” ёрдамида мурожаатларни йўллаш, солиқ органларида ҳисобга туриш, назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш, ортиқча солиқ тўловларини қайтариш тўғрисида аризаларни жўнатиш, солиқ ҳисоботлари ва декларацияларини электрон кўринишда юбориш, солиқ қарзи мавжуд эмаслиги, солиқ органларида ҳисобга турганлиги (СТИР), Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлганлиги тўғрисида ва бошқа маълумотномаларни олиш мумкин.

Шу билан бирга, солиқ тўловчига ҳисобланган, у томонидан тўланган суммалар, солиқ қарзи, ортиқча тўлов, пенялар ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан ҳисобкитоблар тўғрисидаги маълумотларни ҳам Давлат солиқ кўмитасининг ахборот ресурсларидан бевосита олиш имконияти яратилган. Бу эса солиқ органи ходими ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни замонавий воситалар ёрдамида ривожлан-

тиришга, солиқ органларида ортиқча келиб-кетишларни камайтиришга хизмат қилмоқда.

Солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати органлари ходимлари билан мулоқотсиз кўринишда 2018 йил бошидан my.soliq.uz порталидаги солиқ тўловчиларнинг “шахсий кабинет”ларига жами 600 мингдан ортиқ фойдаланувчилар томонидан 11 млн.дан ортиқ мурожаатлар бўлган. “Шахсий кабинет”лар орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан 6,5 трлн. сўм миқдоридagi солиқлар электрон шаклда тўланди.

Эндиликда солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари ўртасидаги электрон шаклда амалга оширилмаётган жараёнларни электрон кўринишга ўтказиш юзасидан ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу йўлда:

■ Хозирда Чирчиқ шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятларида электрон ҳисобва-рақ-фактураларни мажбурий тарзда расмийлаштиришни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказилаётган бўлиб, унинг натижалари бўйича мазкур механизмни бутун мамлакат бўйлаб тизимли равишда амалга ошириш;

■ Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари, солиқ солиши объекти вужудга келганда давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш;

■ Республикаимиз солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилган юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат

солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидаги ҳаққандай ўзгаришлар ҳақида маълум қилиш;

■ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилаётган камерал назорат жараёнида солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари ўртасида аниқланган зиддиятлар бўйича тегишли тузатишлар киритиш бўйича хабардор қилиш;

■ ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш асосида ҳисобга олинганда, солиқ тўловчига бу ҳақда хабарнома бериш;

■ солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш бўйича талабнома бериш;

■ ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаларни юбориш;

■ солиқ қарзини дебитор ҳисобидан ундириштиш юзасидан қарздорнинг дебиторлари “шахсий кабинети”га электрон билдиришнома-лар юборишни ва бошқа мулоқотларни электрон шаклга ўтказиш ва солиқ тўловчининг “шахсий кабинети” орқали амалга оширилган.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан яратилган ушбу имкониятлар, солиқ тўловчилар, айниқса, тадбиркорлик субъектларининг солиқ органларига ташрифларини ҳамда вақт ва сарф-харажатларини камайтиришга, тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Акмал НАЗАРОВ,
ДСҚ жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими давлат солиқ катта инспектори

Ушбу имкониятлар, солиқ тўловчилар, айниқса, тадбиркорлик субъектларининг солиқ органларига ташрифларини ҳамда вақт ва сарф-харажатларини камайтиришга, тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябр куни халқ таълими тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.** Президентимиз соҳа олдида кўплаб вазибалар тургани, дарсликлар таъминоти, таълим дастурлари сифати, ўқитувчилар билим ва малакасини ошириш, кадрлар етишмовчиликни бартараф этиш, чет тилларини ўрганиш имкониятини кенгайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

➤ **Вазирлар Мақамасида 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мажлис ўтказилди.** Мажлисида 2018 йилги Давлат бюджети ижроси ҳамда 2019 йилги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида маълумот берилди.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 6 ноябр куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидagi Италия раислигининг гендер масалалари бўйича махсус вакили Мелани Вервир билан учрашув бўлиб ўтди.** Мулоқот чоғида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокни ошириш, бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

➤ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидa Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати соҳасининг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.** Унда мутахассислар томонидан ёшларга Консуллик устави лойиҳасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар хусусида маълумот берилди.

➤ **Пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” мехмонхонасида “Мамлакатнинг демократик янгиланиши ҳамда модернизациясида аёлларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.** Унда 30га яқин давлатдан вакиллари қатнашди. Анжуманда ҳар бир давлатда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаоллиги бўйича тажрибалар таҳлил этилди.

➤ **Миллий матбуот марказида Ҳадис илми мактаби ташкил этилиши тафсилотларига бағишланган брифинг ўтказилди.** Мазкур мактабга 2018-2019 ўқув йили учун қабул жорий йилнинг 8 ноябрдан 15 ноябргача белгиланди.

ЭЪТИРОФ

Айгул Муҳаммад ал-Хоразмий стипендиати

Юртимизда илм йўлини танлаган, бу борда ўз иқтидорини ишга солишда



тинмай изланаётган ёшлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Албатта, уларнинг бу ютуқлари муносиб баҳоланапти.

Ўз мустақил фикрига эга, қалбда илмга бўлган муҳаббати чексиз, ташаббускор ва интилувчан, республика ҳамда халқаро фан олимпиадалари голиблари ва совриндорлари, АКТга оид илмий тадқиқот, йирик дастурлар ва изланишларда иш-

тирок эътибор ҳамда илмий мақолалар ёзган, дастурий ва техник ишланмалар яратган ТАТУ ҳамда унинг ҳудудий филиаллари талабаларини рағбатлантириш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия таъсис этилган эди. Яқинда ТАТУ Нукус филиалининг телекоммуникация ва АКТ соҳасидаги касбий таълим факультетининг дастурий инжиниринг йўналиши 4-босқич та-

лабаси Айгул Мамутова 2018-2019 ўқув йилида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга сазовор бўлди.

Биз тенгдошимизни ушбу мукофот билан қутлаган ҳолда илм йўлида янада улкан муваффақиятларга эришишни тилаймиз.

Саламат АВЕЗОВ,
ТАТУ Нукус филиалининг ўқув ёрдамчиси бўлими кабинет мудири

ТОШКЕНТДА OPEN DATA CHALLENGE ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

◀ 1-бет.

Уч кун давомида Open Data Challenge-2018 иштирокчилари жамиятнинг барча жабҳалари — молия, транспорт, таълим, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа йўналишларда фойдали бўлган янги лойиҳаларни тақдим этадилар.

Open Data Challenge-2018 танловида иштирок этиш бепул. Фақатгина қатнашчилар рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Ташкилотчилар иштирокчиларни интернет билан таъминлаб, ишлаш учун қулай шартит ярати беришади.

Хакатон натижалари бўйича куйидаги номинацияларда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

"Ақлли шаҳар" учун очиқ маълумотларга асосланган энг яхши лойиҳа (мобил ёки веб-илова);

Очиқ маълумотларга асосланган энг яхши бизнес лойиҳа (мобил ёки веб-илова);

Очиқ маълумотларни генерациялаш (трансформациялаш) бўйича энг яхши лойиҳа (мобил ёки веб-илова).

Шундай қилиб, мобил ва веб-иловалар талбирнинг моддий маҳсули бўлади. Лойиҳаларни ишлаб чиқишдан ташқари, Хакатон доирасида дастурчилар учун очиқ маълумотлар билан ишлашга оид тренинглар бўлиб ўтади.

Хакатон натижаларига кўра

биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олган иштирокчилар қимматбаҳо совринлар билан тақдирланади. Бу йилги танловда Гран-при ҳам кўзда тутилган — энг яхши деб топилган жамоа Мадрид шаҳридаги (Испания) Халқаро конференцияга йўлланма олади. Гран-при соҳиби эксперт ҳакамлар томонидан уч йўналишда биринчи

ўринни олганлар орасидан танлов олинади.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳавола бўйича рўйхатдан ўтиш лозим: <https://data.gov.uz/ru/challenge/register>. Шунингдек, Facebook тармоғидаги <https://www.facebook.com/OpenDataChallenge/> саҳифасида ҳам керакли маълумотлар тақдим этилган.

Талбир ўтказиладиган саналар:

Рўйхатга олиш — 25 ноябрғача.

Open Data Challenge 2018 тренинглар ва конференция куну — 30 ноябр.

Open Data Challenge 2018 Хакатон кунлари — 1-2 декабр.

Тақдимотлар ва ғолибларни аниқлаш — 2 декабр.

Ғолибларни тақдирлаш маросими — 7 декабр.

Ўтказилиш жойи: Тошкентдаги Инха университети.

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТ

ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА "БИР ДАРЧА" ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИ

Туғилганлик ҳақида гувоҳномани "бир дарча" тамойили асосида олиш имкони яратилди. Давлат хизматлари агентлигининг Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими маълум қилишича, ҳозир мазкур хизмат автоматлаштириш жараёнида бўлиб, пойтахтдаги Давлат хизматлари марказларида синонвандан ўтказилмоқда.

Хизмат кўрсатиш жараёнини модернизация қилишда, биринчи навбатда, бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши ва тезкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эндиликда янги туғилган чақалоқнинг ота-онаси ёки унинг васийси бола туғилганлик факти ҳақидаги маълумотни туғруқхонадан олиш учун, кейин бевосита ФХДдан гувоҳномани олиш учун, сўнгра банкда тўловни амалга ошириш

учун навбатда туриши шарт эмас.

Тошкент шаҳрида синон тариқасида жорий этилиб, амалга оширилаётган лойиҳа, Давлат хизматлари марказлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлар базаларининг интеграциясини назарда тутмоқда. Бола туғилгандан сўнг, туғруқхона ёзувлари махсус тизимга киритилиб, улардан марказлар ходимлари онлайн тартибда фойдалана олишлари мумкин бўлади.

Туғилганлик ҳақида гувоҳномани олиш учун Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 2019 йилнинг I январидан бошлаб, пластик карта бўлгани ҳолда Click, PayMe ва бошқа тизимлар орқали онлайн-тўловни амалга ошириш имкони яра-

тилиши режалаштирилмоқда. Бу тизимда коррупция ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этишга хизмат қилади.

ДХА келгуси йилдан мазкур хизматни бутун мамлакат бўйлаб жорий этишни режалаштирган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бугунги кунда пойтахтдаги давлат хизматлари марказлари ходимлари гувоҳномаларни ёзма равишда тўлдиришдан аста-секинлик билан воз кечишяпти. Хўш, бу одамларга нимаси билан қулай?

Аваллари ФХДЭ органлари томонидан боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тўлдиришда хатоликка йўл қўйилса, уни ўзгартириш муаммо эди. Чунки гербли бланклар қатъий жавобгарлик ҳужжатлари бўлиб, ёзув киритилгандан сўнг уларни ўзгар-

тириш мумкин эмасди. Компютер ёрдамида тўлдирилганида эса, фуқаро ёзувларнинг тўғрчилигини мониторинг текшириб, ишонч ҳосил қилгандан кейингина қоғозда чоп этилади.

2018 йилдан бошлаб фертил (яъни, бола туғиши мумкин бўлган) ёшдаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳомиладорликнинг эрта босқичидан чақалоқ туғилгунига қадар назоратни олиб боришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни "ФХДЭ ягона электрон архиви" ахборот тизими билан интеграция қилиш режалаштирилган. Мазкур тизим туғилган болаларнинг қайд этилмасдан қолиш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, боғчаларда келгусида яратиш зарур бўлган жойларни олинган режалаштиришга ёрдам беради.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали механизмлари яратилди. Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида "Қонун устуворлигини таъминлаш — юрт тараққиёти гарови" мавзусида бўлиб ўтган маърифат дарси айнан шу масалага бағишланди.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва ажралмас белгиси — бу қонун устуворлиги ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинлик-

лари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади. Аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асослари шакллантирилган. Кўплаб қонунларда қонун устуворлиги, қонунийликни таъминлаш фаолиятнинг асосий принциплари ва вазибалари сифатида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазибаларидан бири қонун устуворлигини таъминлаш эканлиги, 6-моддасида ички ишлар орган-

лари ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ҳамда уларни бажариши шартлиги белгилаб қўйилган.


2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари кўрсатилган.

Қонун устуворлиги шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини монеликсиз амалга ошириш, ўз ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонунан кафо-

латланганлиги туфайли тинч, осойишта, хотиржам, ҳеч қандай ташқи таъсирлардан, зўравонлик ва ўзбошимчиликдан қўрқмай яшаш имкониятини беради. Қонун устуворлиги жамиятда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланишининг, инсон ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишининг мустаҳкам гаровидир.

ДФХ ходимлари ҳам қонун устуворлигини таъминлаш учун қонун ҳужжатларини яхши билишлари, меъриий ҳужжатларга аниқ риоя этишлари ҳамда янги чиқаётган қонуноти ҳужжатларидан хабардор бўлиб боришлари керак.

ААЗИЗОВ,
ДФХ катта инспектори
подполковник



◀ 1-бет.

Техниклар ҳиссаси катта

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарлиги ва бевоқиф кўмаги остида бутун республика бўйлаб рақамли телеузағичлар тўпалмларини ўрнатилди ва ишга туширилди. Рақамли телевиденига ўтиш икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда вилоят марказлари, ийрик шаҳар ва туманларда юқори қувватли, иккинчи босқичда эса республиканинг олис, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли масканларига кам қувватли рақамли телевидение узатгичлар ўрнатилди ва ишга туширилди.

Бугунги кунда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 телеканали ва 4 радиоканали дастурлари узатиб берилаётган. Ушбу теле ва радиодастурларни нафақат Ўзбекистон, балки 40дан ортиқ хоржий мамлакатлар ҳудудига ҳам қўриш ҳамда тинглаш имконияти мавжуд. Сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали теледастурларни орбитанинг 57-даража шарқий узунликда жойлашган "NSS-12" (Люксембург) номи сунъий йўлдошига 11 587,9195 МГц қабул қилиш частотасига созланган ҳолда қабул қилиш мумкин.

Инвестиция лойиҳалари асосида олиб борилган ишлар натижасида республиканинг барча аҳоли яшаш манзилларига 86 комплект юқори қувватли, 348 комплект кам қувватли рақамли телеузағичлар ўрнатилди, ишга туширилди ҳамда аҳолининг рақамли теледастурлар билан қамрови 100 фоизга етказилди. Бугунги кунда энг чекка қишлоқларда ҳам рақамли телевидение сигналлари мавжуд.

Республикада рақамли телевиденини жорий этиш учун ўтган йиллар мобайнида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, рақамли телеузағичларни ўрнатилдиш учун техник хоналарни таъмирлаш, эски бинолар ўрнига янгиларини қуриш, уларни техник жиҳозлаш, лойиҳа асосида келтирилган рақамли телеузағичлар комплексини жойларга етказиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга тушириш ишлари режа асосида жадал олиб борилди.

Рақамли телеузағичларни босқичма-босқич ишга тушириш ишлари ортида узқ ва машаққатли меҳнат этилибди, албатта. Бу ишларда "РРТМ" ДУК раҳбарияти ташаббуси, тавсиялари асосида

РАҚАМЛИ ДУНЁ

корхонанинг барча ходимлари биргаликда бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ҳаракат қилишди. Айниқса, корхонанинг техник эксплуатация ва қўллаб-қувватлаш хизмати, техник ишлаб чиқариш лабораторияси, моддий-техник таъминот, инвестиция лойиҳалари ва капитал қурилиш, рақамли телевидение тармоқларини бошқариш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш хизматлари, бухгалтерия бўлими ҳамда ҳудудий радиотелеузағич марказлари мутахассисларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Малакали ҳодимлар кўпаймоқда

Инвестиция лойиҳалари асосида келтирилган замонавий қурилма ва ускуналар ишга туширилгандан сўнг уларга хизмат кўрсатиш, эксплуатациясини таъминлаш учун корхона мутахассислари хоржий компанияларда ўқитилди, қурилмалар ишлаб чиқарилган заводларда малака оширишди, қурилмаларни завод синовларидан ўтказиш жараёнида иштирок этишди.

Шунингдек, жойларда техник қурилмаларга хизмат кўрсатувчи ходимларни янги рақамли тизим бўйича ўқитиш мақсадида "РРТМ" ДУК қошида Ўқув маркази ҳамда ўқув курслари ташкил этилиб, мутахассисларнинг билим кўникмалари мунтазам ошириб борилаётган.

Замонавий асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш техник ходимлар зиммасига юклатилган. Сигнал транспорт телекоммуникация тармоқлари орқали узатилади ва уларга зарар етган ҳолларда, захира линиялари, албатта, ишга тушади. Яъни, юқори қувватли рақамли телеузағичлар ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам ишлашда давом этади. Агар тўсатдан электр энергияси тармоқдан узилиб қолса, дизел генераторлар автоматик равишда ишга тушади.

2018 йилда вилоятлар марказлари, ийрик шаҳар ва туманларда ўрнатилган юқори қувватли рақам-

ли телеузағичлар давлат қабул комиссиясидан ўтказилиб, техник қурилмалар фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда кам қувватли рақамли телеузағичларни фойдаланишга қабул қилиш ишлари ҳам жадаллаш билан олиб бориляпти.

Сўнгги босқич — Қашқадарё

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги "Рақамли телеузағичларни ўқитишга ўтиш ва ер усти аналог телеузағичларни тўхтатишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 502-қарори асосида эски телевидение узатиш тизими — аналог телевиденини тўхтатиш ишлари олиб бориляпти. Бугунги кунга қадар Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида аналог телеузағичлар эфери тўлиқ тўхтатилган. Қарорга мувофиқ, жорий йил 5 декабрда Қашқадарё вилоятида ҳам аналог телеузағичлар ўчирилиши билан республикамизда аналог тизимдаги телеузағичлар эфери тўлиқ тўхтатилди.

Республикада рақамли телеузағичларга ўтилиши, аналог телеузағичларнинг босқичма-босқич тўхтатилиши тўғрисида аҳоли тўлиқ хабардор қилиняпти. Бу борада мобил алоқа операторлари хизматларидан фойдаланилади, яъни ҳудудларда аналог телеузағичларнинг ўчирилиши муҳлатлари тўғрисида SMS-хабарлар юборилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз телевидениесида кечаётган техник ва технологик ўзгаришлар, унинг афзалликлари, аналог телеузағичларни тўхтатиш жадвали, рақамли телевидение дастурларини қўриш шартлари ҳақида жойларда ўтказилган сайёр учрашувларда, оммавий ахборот воситалари-

да мутахассисларнинг интервьюлари, видеороликлар, эълонлар орқали мунтазам ёритиб борилди.

Бугунги кунда корхона ва ҳудудий радиотелеузағич марказлари мутахассислари томонидан фаолияти тўхтатилган аналог телеузағичларни ва уларнинг антенна-фидер қурилмаларини келгусида ишлатиш (FM радиоузағич сифатида ишлатиш имконини қўриш, рақамли ТВ узатгич сифатида ишлатиш) имкониятларини ўрганиш ишлари олиб бориляпти.

Рақамли телевидениенинг жорий этилиши муносабати билан 2018 йилда телевизион тасвир сифатини ошириш ва юқори аниқликдаги телевидение хизматларидан фойдаланиш имкониятлари бўйича ҳам ишлар олиб борилди.

2011 йил 29 ноябрда МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб Тошкент шаҳрида HD форматдаги (High Definition юқори сифатли телевидение) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "UzHD" телеканали эфирга узатилиши йўлга қўйилган эди.

2018 йилнинг эида Россия Федерациясида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларини юртимиз аҳолига сифатли етказиб бериш мақсадида "Uzreport" ахборот агентлигининг "Uzreport TV" ва "Futbol TV" телеканаллари дастурлари Full HD форматда узатилиши йўлга қўйилди ва аҳоли ҳозир ҳам ушбу форматдаги теледастурлардан баҳраманд.

4K Ultra HD (Ultra High Definition) формати бу, — тасвир ўлчамлари (пикселлар) HD форматдагидан тўрт баробар кўпроқ бўлиб, Full HD форматига нисбатан янада равшан, ранглар ўта ёрқин, тасвирдаги деталлар жуда юқори аниқликда акс этади.

Иқтисодий самарадорлик барчага фойда

Ўтган давр мобайнида иқтисодий фаолиятда ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Иқти-

Ринат ШАМСУТДИНОВ, Техник эксплуатация ва қўллаб-қувватлаш хизмати бошлиғи:



Мутахассисларимиз мавжуд техник қурилмалар ёрдамида 4K форматдаги теледастурларни эфирга узатиш устида тажриба-синов ишларини амалга оширишди. Тошкент шаҳридаги рақамли телеузағичлар ёрдамида 4K форматдаги теледастурларни эфирга узатиш жараёни синовдан ўтказилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Lux" телеканали дастурлари 4K форматда синов тарихида Тошкент шаҳри ҳудудига тарқатилиши йўлга қўйилди. Келгусида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттирамиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси остида "РРТМ" ДУК мутахассислари рақамли телевидение йўналишида янги турдаги форматни (4K) жорий қилиш юзасидан изланишлар олиб борди.

МЎЪЖИЗАСИ “РТМ”дан тиниқ овоз ва ёрқин тасвирлар

“Телеминоранинг туризм имкониятлари ортиганини ташриф буюраётган сайёҳлар оқимидан ҳам билмас бўлади. Мисол учун, телеминорага 2018 йилда ташриф буюрувчилар сони ўтган 2017 йилдагига нисбатан 20 фоизга, жумладан, чет эллик фуқароларнинг ташрифи ўтган йилгига нисбатан салкам 70 фоизга ошди.”

содчи мутахассислар корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларини мунтазам ошириб бориш устида доимий иш олиб боришди. Рақамли телеузагчиларни фойдаланишга қабул қилиш, нодавлат телерадиокомпаниялар теледастурларини рақамли тизимга қўшиш, телерадио дастурларни тарқатиш бўйича тарифларга тегишли ўзгаришлар киритиш, экспорт ва бошқа кўрсатилмаётган хизматлар бўйича 2018 йилда олинган жами даромадлар, 2017 йил ҳолати билан солиштирилганда, 142 фоизга ошди.

Нодавлат телеканаллар ўз теледастурларини сунъий йўлдош алоқа канали орқали тарқатишлари учун имконият яратиш мақсадида телерадио дастурларни тарқатиш бўйича тарифларда имтиёзли нархларни жорий этиш ишлари олиб борилаётган.

Марказий Осиёда ягона, баландлиги 375 метрли Тошкент телеминорасининг туризм салоҳияти ва имкониятларини ошириш борасида ҳам анчагина ишлар бажарилди. Жумладан, Тошкент телеминорасининг 105 метр баландлигида жойлашган томоша майдончаси ва 110 метр баландликдаги “Коинот” ресторанига кириш хизматлари тарифлари қайта кўриб чиқилиб, ташриф буюрувчилар учун қулайлаштирилди, телеминоранинг кириш қисми ва ресторан қисмларида bepud Wi-Fi интернет тармоғи ҳудуди ташкил қилинди, “Коинот” ресторани ва томоша майдончаларида эркин суратта тушиш имконияти яратилди, “Uzdigital TV” МЧЖ билан ҳамкорликда ташриф буюрувчилар учун турли акциялар ўтказиб келинмоқда.

Телеминоранинг кириш қисмига 2га 12 метр баландликдаги Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари ўрнатилиб, атроф ободонлаштирилди, телеминорага кириш биносини шинам ва кенг қўринишга келтириш учун таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур ишларнинг давоми сифатида Тошкент телеминорасини бўяш ва замонавий иллюминация

асосида ёритиш мосламаларини ўрнатиш ишлари кенг қўламда олиб бориляпти.

Телеминоранинг туризм имкониятлари ортиганини ташриф буюраётган сайёҳлар оқимидан ҳам билмас бўлади. Мисол учун, телеминорага 2018 йилда ташриф буюрувчилар сони ўтган 2017 йилдагига нисбатан 20 фоизга, жумладан, чет эллик фуқароларнинг ташрифи ўтган йилгига нисбатан салкам 70 фоизга ошди.

Республикада рақамли телевидениенинг жорий этилиши муносабати билан “Uzdigital TV” МЧЖнинг пуллик теледастурлар хизматларини кўрсатиш ҳудудлари кенгайтирилди. Бугунга келиб, республиканинг барча вилоятлари марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасида миқозларга хизмат кўрсатиш савдо офислари очилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, қулайликларини ортиришга хизмат қилляпти. “Uzdigital TV” МЧЖ абонентлари сони ўтган йилгига нисбатан 10-12 фоизга кўпайиб, хизматлар имкониятлари, қулайликлари тўғрисида жойларда мунтазам эълонлар бериб бориляпти.

Жорий йилда “РТМ” ДУК моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги русумдаги автотранспорт воситалари харид қилиниб, ҳудудий радиотелеузагчи марказларига топширилди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

“РТМ” ДУК раҳбарияти, қасаба уюшмаси кўмитаси ва Ёшлар иттифоқининг корхонадаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан республикада ички туризмни ривожлантириш, жумладан, ходимларнинг юртимиздаги диққатга сазовор ҳойларга сайёҳатларини уюштириш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Жорий йилда ходимлар Қирғизистон Республикасининг Иссықкўл бўйидаги пансионатларида, Тошкент вилоятидаги “Оқтош” дам олиш масканида хордиқ чиқаришди.



Ёшлар иттифоқининг корхонадаги бошланғич ташкилоти ҳамда Юнусобод ва Сергели туманлари ташкилотлари ҳамкорлигида мактаб, лицей ўқувчиларининг Тошкент телеминорасига саёҳатлари уюштирилди.

Корхонада бир яхши анъана мавжуд. Турли байрам, тадбирлар арафасида бу ерда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар байрам дастурхонига таклиф этилиб, уч авлод учрашуви ва давра суҳбатлари ташкил этилади. Шунингдек, корхона раҳбари ташаббуси билан кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари, Ногиронлар жамиятларига доимий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатилади.

Корхонада узоқ йиллар фаолият юритган меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш авлод қалбида ота-боболаримиз анъаналарига салоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, фахрийларнинг корхона ижтимоий ҳаётидаги ўрнини ошириш мақсадида “РТМ” ДУК меҳнат фахрийлари кенгаши тузилиб, жорий йилнинг 5 ноябр куни кенгашнинг дастлабки йиғилиши ўтказилди. Ўшбу йиғилишда марказда узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Босит Абидов кенгаш раиси этиб тайинланди. Фахрийлар кенгаши мазкур йиғилиш билан ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистонда блокчейн технологияси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб Марказий Осиё мамлакатлари орасида блокчейн технологиясини қўни-ниёлаштирмоқда. Жорий йилнинг 3 июлида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида”ги фармони имзоланди. Фармонда Ўзбекистонда блокчейн технологиялари жорий қилиниши, ушбу технологиялар давлат органлари фаолиятига татбиқ этилиши кўрсатиб ўтилган. Корхонанинг тажрибали мутахассиси Б.Абидов томонидан “РТМ” ДУКда ҳам ушбу тизим юзасидан ўрганиш ва ишланishлар олиб борилиб, бугунги кунда корхонанинг калдрлар билан ишлаш йўналишига ушбу тизимни жорий этиш устида ишланипти.

Шунингдек, корхона ходимлари малакасини ошириш масаласига ҳам жиҳд эътибор қаратиляпти. Жумладан, “РТМ” ДУК бош бўлими ва филиаллари мутахассислари билим, малакаларини ошириб бориш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда инновацион фойлар ва технологияларни жорий қилиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилиб, “РТМ” ДУК ўқув маркази ва университетда ўқув курслари ташкил этиляпти. Ўқув курслари корхонанинг малакали ва тажрибали мутахассислари ҳамда университет педагоглари томонидан назарий ва амалий тарзда ўтилмоқда. Шунингдек, ходимлар ишдан бўш вақтларида корхона ҳисобидан инглиз ва рус тилларидан ўқув курсларида ўқишапти.

Хулоса

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК жамоасини ушбу натижа ва кўрсаткичлар қаноатлантирмайди, албатта. Жамоа аъзолари бундан кейин ҳам барча йўналишлардаги ишларни давом эттириб, корхонага юклатилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли ва ҳамкорларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини мунтазам ошириб бориш ҳамда республикада аҳолига телерадиоустурларни узлуқсиз ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш борасидаги ишларни жадвал давом эттириверади.

Қўшсаҳифани Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади



Шавкат АЗИЗОВ, Режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи:

— Корхонада ходимларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда корхона фаолиятида самарадорлик ортиб, ходимларнинг иш ҳақи ҳам доимий равишда ошириб бориляпти. Хусусан, 2018 йилнинг ҳозирги даври билан 2017 йилнинг шу даври солиштирилганда, иш ҳақи миқдори умумий ҳисобда қарийб 80 фоизга оширилди.



Дилшод РАҲМАТОВ, Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Корхона ёшлари қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиш, уларнинг илмий меросини ўрганишда юртимизнинг диққатга сазовор жойларига уюштирилаётган саёҳатларнинг аҳамияти катта. Шунингдек, олган ҳолда ёшларимизнинг Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Қатагон қурбонлари хотира музейи, Зангиота мажмуаси, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт ҳамда Қуролли Кучлар музейларига, шунингдек, Хива ва Шахрисабз шаҳарларига экскурсиялари ташкил этилди. Бундан ташқари, қасаба уюшмаси кўмитаси ҳомийлигида ходимлар театрларга олиб бориляпти.

22-23 ноября Центром информационной безопасности и действия в обеспечении общественного порядка намечено проведение республиканской конференции на тему: «Информационная безопасность в системе электронного правительства. Проблемы и пути их решения». Конференцию планируется провести в Международном бизнес центре.

ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В СИСТЕМЕ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА. ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

На данную конференцию приглашены первые лица органов государственного и хозяйственного управления, органов власти на местах ответственные по развитию и внедрению ИКТ и ИБ, а также

руководители отделов и управлений ИКТ и ИБ. Вместе с этим, запланировано участие отечественных и зарубежных вендоров и компаний поставщиков, предоставляющие

свои программные продукты, аппаратные средства и услуги по обеспечению защиты информации в организациях



Республики Узбекистан.

Целью проведения данной конференции является озвучивание проблем по обеспечению информационной безопасности организаций и предоставление путей их решения посредством программных или иных продуктов отечественного и зарубежного производства.

Для удобства гостей и участников на конференции будет работать комната для встреч и переговоров, рассчитанная на аудиторию до 15-20 человек, при необходимости можно организовать мини презентацию для заинтересованных посетителей конференции. В течение всех докладов в фойе центра будет оборудовано пространство для размещения мобильных стендов и рекламных материалов компаний-участников.

ФИНАНСОВЫЕ УСЛУГИ

БУДУЩЕЕ БАНКОВСКОЙ И ФИНАНСОВОЙ СФЕРЫ УЖЕ СЕЙЧАС

6 ноября в Ташкенте при поддержке компаний NETinfo Plc и SERVICE YOU прошло мероприятие «Будущее уже сейчас», которое было сосредоточено на банковских и финансовых отраслях, объединив менеджеров электронного банкинга, менеджеров альтернативных каналов, ИТ-менеджеров, менеджеров по розничным продажам/корпоративным клиентам, руководителей по вопросам операций и членов совета директоров.

Участникам были представлены презентации: «Исследуйте сегодня банковские пейзажи в Узбекистане», «Банкинг будущего. Страхование будущего.



Платежи будущего», «Как мы можем помочь вам стать цифровым банком», «Ваша местная поддержка — наши партнеры».

Участники получили полное представление о последних

глобальных тенденциях, альтернативных методах оплаты и передовой практике, а также получили бесценные советы цифрового преобразования бизнеса и быстрого возврата инвестиций, а так же, как сделать еще один шаг на рынке, удовлетворить текущие и будущие потребности клиентов и обеспечить конкурентное преимущество.


После презентаций прошла панельная дискуссия с участием: Вассоса Аристодему, президента и исполнительного директора компании NETinfo Plc, Орландо Кастелланоса, начальника операционного департамента (COO) компании

NETinfo Plc, Рустама Тошова — генеральный директор компании SERVICE YOU и Дилшода Сарыходжаева начальника ИТ Департамента Центрального банка Узбекистана.

Молодое поколение просто жить не может без мобильного смартфона, поэтому готово совершать платежи и переводы «круглые» сутки. Задача банков и финтех-компаний — предоставлять молодому поколению новые способы быстрого, простого и безопасного платежа. Банкам необходимо внедрять инновации, расширять возможности и предлагать свои банковские услуги независимо от их стоимости.

ОНЛАЙН-ТОРГОВЛЯ

«УЗАВТОСАНОАТ» НАЧАЛ ПРЯМУЮ ПРОДАЖУ АВТОМОБИЛЕЙ ЧЕРЕЗ ИНТЕРНЕТ



«Узавтосаноат» запустил электронную платформу Uzavtosavdo по онлайн продаже автомобилей GM Uzbekistan.

Каждый житель и гость Узбекистана может приобрести автомобиль на сайте uzavtosavdo.uz, а также скачав мобильное приложение Uzavtosavdo для мобильных телефонов на Android и iOS.

С новым приложением по-

купка автомобиля будет проходить просто и быстро. Всё, что нужно — скачать приложение Uzavtosavdo, пройти регистрацию в Единой системе идентификации (One ID), следуя онлайн инструкции. А при наличии электронной цифровой подписи возможно приобрести автомобиль через приложение даже находясь за рубежом.

Теперь покупка долгожданного автомобиля стала приятным и легким событием — можно выбрать модель автомобиля, модификацию, цвет и даже дилерский центр. Кроме того, произвести полную или частичную онлайн оплату за него. Процесс полностью автоматизирован.

«Вы сразу видите номер своей очереди и количество

имеющихся у дилера автомобилей. Если нужно вам автомобиля нет в наличии у дилера — не проблема, ваш заказ будет напрямую отправлен на автомобильный завод. Вы получите уникальный номер договора и индивидуальный VIN-номер вашего автомобиля. Всё, что нужно — это оплатить по банковской карте 3% от стоимости выбранного вами автомобиля и далее оплачивать оставшуюся сумму, о чём вам будет напоминать СМС-информирование», — отметили в компании.

Основной причиной недовольства и претензий к старой системе продаж были длинные очереди как за получением контрактов и проведением оплаты, так и долгое ожидание самого автомобиля. Причиной этому

были фиктивные очереди, созданные недобросовестными людьми, которые затягивали процесс приобретения автомобиля на неопределенный срок.

Внедрение 3-процентного авансового платежа позволяет ликвидировать данную причину и гарантировать покупателю поставку автомобиля в максимально короткие сроки. Приложение и сайт Uzavtosavdo позволяют вам с самого начала контролировать весь процесс покупки авто. Вы будете знать, какой вы в очереди и когда точно получите автомобиль.

В виде дополнительного бонуса после оплаты 85% от стоимости выбранного автомобиля, вы сможете воспользоваться бесплатной доставкой автомобиля прямо до дома.

Питер Пэн филмини барчамиз болалигимиздан севиб томоша қилганмиз. Шу кинотеатрдаги бир фикр анча йиллар олдин менинг диққатимни тортган: "Уча олишингга шубҳа қилган маҳалинг сен бир умрга бу имкониятни қўлдан бой берасан".



ЎЗИГА ИШОНЧ — МЎЪЖИЗАКОР КУЧ!

Менга доимо Гётенинг "Ўзингизга ишонч билдирган лаҳзадан бошлаб қандай яшаш кераклигини тушуниб етасиз", деган ҳикмати далда берали.

Ўзига ишонч — тугма қобилият эмас. Ўз-ўзига бўлган юқори ишонч тағзамини меҳнат мобайнида орттирилган тажриба, муттасил ўқиб-ўрганиш ва қатъият билан эришилган муваффақиятдан бунёд бўлган. Шунда ҳам ўзингизга ишонч панд берса, қуйидагиларга амал қилинг.

Ўзингиздаги кучли жиҳатни англаг

Ўзимиздаги кучли ва кучсиз жиҳатларни ҳис қилиш мақсадга олиб борувчи зарур ишонччи оширади. Гап шундаки, биз ўзимизни қандай тасаввур қилсак, ҳаётда ўзимизни шундай тутамиз. Эҳтимол, сиз ўзингизни хато тасаввур қилаётгандирсиз? Балким, сиз ўзингиздаги кучли жиҳатларни унутиб қўйгандирсиз?

Хар гал кўзгу қаршида самимий ва ўзига ишончи юқори акени кўра олинг. Биз ўзимизга тез-тез нимани айтсак, аста-секин у томон яқинлашамиз. Кўзгуга қараганда ёқмай-диган эмас, ўзингизга маъқул жиҳатингизга диққат қилинг.

Ўзингизни мажбурланг

Энтони Роббинснинг "Ичимиздаги баҳодир" асарини кўп мутулаа қиламан. Бу китобда шундай бир мулоҳаза бор: "Қила олмасангиз, қилишга мажбурсиз. Қилишга мажбур бўлсангиз, қила оласиз". Инсон ўзини мажбурлаши керак. Бошлаш — энг қийин иш. Ўзимизни мажбур қилсак, муваффақият сари илк қадамни ҳам ташлашга ҳафсала топамиз.

Тасаввур қилинг ва ишонинг

Диққат қилсангиз, бу китобда "тасаввур" ва "тасаввур қилмоқ" сўзлари эллик мартабадан зиёдрок келтирилган. Инсонни яратувчанликка бошлайдиган,

иккиланган лаҳзада олга юришга ундайдиган куч — тасаввур.

"Идрок сизни "А"дан "Х"гача олиб боради. Тасаввур билан эса сиз хоҳлаган манзилга бора оласиз", дейди Альберт Эйнштейн.

Ҳаётини бўшлиқлар орасини тўлдирадиган омил, бу — тасаввур. Нима иш қилишни билмай турганимизда онгимиздаги тасаввур ўз-ўзидан ишлаб кетади. Унинг ёрдамида идрок қувватини муваффақият ҳамда бойликка айлантириш мумкин.

Болаликда шу қадар кучли бўлаемизки, оламда биз қила олмайдиган ҳеч бир иш бўлмайди. Успиринликда эса атрофимиздагилар бизнинг тасаввуримизга чегара қўя бошлайдилар. Ана шу лаҳзалардан биз ожиз бўла бошлаймиз.

Идрок тасаввур қила олган ва ишонган ҳар не борки, унга эришиш мумкин. Шу боис ҳам бир вақтлар алиблар тасаввур қилган нарсалар вақт ўтиб яратилган.

Ўзингизни атрофингизда ўрнатилган чегаралар ташқарида ҳис қилинг ва тўсиқларни кесиб ўтишдан чўчиманг, ўзингизни голиб деб ҳис қилинг. Модомики, ишонар экансиз, тез ордада кўп нарса қўлингиздан келишига амин бўласиз.

Қўркув билан юзма-юз келинг

Ўзингиз учун қулай ва хотиржам ҳудуддан чиқинг. Сизни кучсизлантираётган нарса нима? Унга дуч келишдан қўрқманг ва ҳар куни дуч келинг. Ўзингизни борингизча қабул қилинг. Унутманг, ҳеч ким бу ҳаётда тўқис эмас. Билим керак бўлса, ўқинг ва ўрганинг. Тажриба керак бўлса, уриниб кўринг. Ҳаётингизни юксалтирадиган ҳаракат билан банд бўлинг. Ана шунда сиз қўркувдан кучли эканингизни ҳис қиласиз.

Ичингиздаги танқидчи билан суҳбатлашинг

Ички овоз сиздан қанчалар норози бўлса, ҳаётда ўзингизга

бўлган ишончингиз шу қадар паст бўлади. Уни йўқотиш учун кичик муваффақиятингизни ҳам нишонланг ва бунинг учун ўзингизни тақдирланг.

Буюк рассом Винсент Ван Гог ҳам ичдаги овоздан кўрққан экан. "Агар ички овозингиз сизга чиза олмаслигини айтса, қўлингизга қалам олинг-да, чизишни бошланг. Шунда бу овоз гоийиб бўлади", дейди рассом.

Бошқаларга ёрдам беринг

Ҳаётда кучли бўлиш ва ўзига ишонининг яхши йўлларида бири — бошқаларга ёрдам бериш. Бу орқали биз ўзимизнинг кучли жиҳатимизни ҳис қилаемиз.

Ўзингиздаги ожиз нуқтага тикилавермасдан, одамларга кучли жиҳатларингиздан сабоқ беринг. Ана шу жараёнда ўзингизга бўлган ишонч ҳам ошиб боради.

Ўзингизни асранг

Ўз-ўзини асраш, бу — худбинлик эмас. Ўзига ишонч аслида яхши жисмоний ҳолат ҳамда ҳиссий саломатликнинг уйғунлиги. Машқ қилинг, яхши ва соғлом овқатланг, ўз вақтида дам олинг.

Шу билан бирга, кийинишга ҳам эътиборли бўлинг. Одам нафақат одоби, балки кийими билан ҳам кўркем. Қолаверса, соч турмаги, тозалик, тиш-тирноқ ҳолати ҳам назоратда бўлсин.

Ўзингизни муносиб кўринг

Ўзига ишончи паст одамларнинг катта хатоларидан бири — бошқаларни ёки рақибларини ўзларидан устун ва бирор нимага муносиб кўришларидир. Ўзингизга уларнинг сиздан устун жиҳати йўқлигига ишонтиринг.

Муваффақиятларини эсланг

Кўпчилик муаммо ва ташвишлар гирдобда ўтмишдаги

имкониятларини унутиб қўяди. Мактаб ёки коллеждаги голиблик онлари, университетдаги зафарларни ёлга олинг. Кичик бўлса ҳам, муваффақиятлардан куч олиб яшанг. Ҳаётингиздаги ижобий лаҳзаларини унутманг.

Келажагингиз тўғрисида ўйланг

Ҳаётдан нимани талаб қиляпсиз? Бу саволга жавоб топиш учун қулай фурсат топинг. Ҳаётингизни бошқалар учун яшаманг ва қувватингизни, вақтингизни ана шу жавоб учун сарф қилинг. Куч-қувватингизни одамларни, жамиятни фикрини ўзгартиришга беҳуда сарф қилманг.

"Бу ишни қандай қилиб удраласам экан-а?" дейиш ўрнига "Бу ишни удралаш фақат менинг қўлимдан келади" дейишга одатланг.

Голиблар билан суҳбатда бўлинг

Муваффақиятли инсонлар билан суҳбатла бўлар экансиз, улар ҳам аслида сиз каби оддий одам эканига ишонасиз. Ана шу ишонч сизга мақсадга эришишга ёрдам беради. Айниқса, бундай одамлар галабага қадар бошларидан кеचирган муаммо ва қийинчиликларни ҳикоя қилар эканлар, сизга битмас-туганмас илҳом бахш қиладилар.

Хулоса

Бу дунёда бизнинг кўпчилигимиз энг кўп мағлуб бўладиган душман, бу — ичимиздаги қўркув. Голибларда ҳам қўркув бўлади. Голибларда ҳам шубҳа-гумон бўлади. Улар ҳам ташвишга тушадилар. Фақат, голиблар бу ҳислар уларни тўхтатишига йўл қўймайдилар. Ишончингиз мўъжизага айланиши учун ҳис-туйғуларнинг ўзи етарли эмас. Юқоридаги жиҳатлар сизни ҳаракатга бошласагина, ишонч мўъжизакор кучга айланади.

Шухрат САТТОРОВ

“Голибларда ҳам қўркув бўлади. Голибларда ҳам шубҳа-гумон бўлади. Улар ҳам ташвишга тушадилар. Фақат, голиблар бу ҳислар уларни тўхтатишига йўл қўймайдилар.”

ТАЪЛИМ СИФАТИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?



Жорий йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкил этилганига бир йил тўлади. Утган давр мобайнида инспекция олдига қўйилган вазифаларни қай даражада уddаламоқда? Ёки инспекция фақат назорат органига айланиб қолди? Инспекция бошлиғи Улуғбек Негматович ТОШКЕНБОЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Улуғбек Негматович, ўтган даврда амалга оширилган ишлардан қўнглингиз тўлдими?

— Бу саволга ҳам ҳа, ҳам йўқ, деб жавоб бераман. Инспекция ўтган бир йил давомида тўлиқ шаклланди, фаолиятини йўлга қўйиб олди. Сафимизни хорижда таълим олган, таълим тизимини чуқур тушунадиган ёш малакали кадрлар билан тўлдиришга қаратдик. Бу борада тасдиқланган “йўл харита”сига асосланиб ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга ва шу асосда фаолиятимизни амалга оширишга киришдик.

Шу мақсадда, Жанубий Кореянинг таълим вазирлиги ҳамда таълим тизимига тааллуқли бўлган барча ташкилотлари фаолияти ўрганилди, инспекция ходимларининг Европа, Жанубий Осиё ва бошқа давлатларда малакаси оширилди. Жумладан, ходимларимиз Кореянинг АВБЕК — муҳандислик дастурлари бўйича аккредитация кенгаши, KEDI — Корея таълимни ривожлантириш институти, KCUE — Корея университетининг таълим кенгаши, KUALI — Корея университетларининг аккредитация институти ва KRIVET — Касб-ҳунар таълими бўйича талқинот институти, Франция таълим вазирлигининг инспекция хизматида ўз малакаларини оширишди ва би-

лимларини мустаҳкамлашди.

Россия Федерациясининг маориф вазирлиги (Россияда олдинги Фан ва таълим вазирлиги иккига: Маориф вазирлиги ҳамда Фан ва олий таълим вазирлигига бўлинган) ва Россия Фанлар академияси таълимни ривожлантириш стратегияси институти билан ҳамкорликда халқаро дастурларда иштирок этиш, педагог кадрлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш дастури бўйича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Россия Федерациясининг Таълим ва фан соҳасида назоратни амалга ошириш давлат хизмати билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, PISA дастурида қатнашиш, Россия ва Ўзбекистон ўртасида таълим ҳужжатларини ўзаро тан олиш (нострификация) механизмининг янада соддалаштириш, шунингдек, олий таълим муассасаларини аккредитация қилиш соҳасида тажриба алмашиш, таълим натижаларини баҳолашнинг миллий тизимини яратишда ва халқаро баҳолаш дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш, бу жараёнларга Россиядан тажрибали экспертларни жалб қилиш тўғрисида келишиб олинди.

— Халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди, деб айтингиз. Маълумки, ҳамкорлик йўналишидаги ҳар қандай лойиҳалар молиявий манбалар ҳисобига амалга ошириладими? Бу борада ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, ҳамкорликни йўлга қўйиш, йўналишга солиб олиш осон бўлгани йўқ. Биринчи навбатда, таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш мақсадида халқаро ташкилотлар — Жаҳон банки, ИХТБ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ОТБ ва бошқалар билан яқин алоқалар ўрнатилди.

Хусусан:

— мактаб ўқувчиларининг саволхонлиги ва билим даражасини аниқлаш бўйича халқаро дастурларга қўйилиш (PISA, TIMSS, PIRLS, LANA);

— таълим сектори стратегияси ишлаб чиқилди (ЮНИСЕФ, Жаҳон банки);

— ҳамкорликда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири ишлаб чиқилди;

— таълим тизимида ягона электрон маълумотлар тизимини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда (EMIS дастури);

— таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва халқаро таълим сифатини таъминлаш агентликлари (ENQA — Европа таълим сифатини таъминлаш ассоциацияси)га аъзо бўлиш;

— халқаро рейтинг агентликлари (QS — Quacquarelli Symonds Limited ва THE Times Higher Education) билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Бу ишларнинг тўлиқ ҳамкор халқаро ташкилотлар грант маблағлари асосида амалга ошириладиганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Инспекциянинг асосий фаолиятларидан бири — бу таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитациясини ўтказиш ҳисобланади. Бу йўналишдаги ишларнинг ҳолати қандай?

— Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сонли қарорига асосан идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш вазифаси инспекцияга юклатилган.

Давлат инспекцияси ташкил этилгандан буён 20та олий таълим муассасасида таълим сифати комплекс ўрганилди, 1987та умумтаълим муассасаси аттестациядан ўтказилди, 20 721 нафар талаба ва 450 000дан зиёд ўқувчилар ўзлаштириш даражаси (билими) баҳоланди, 35 000га яқин талаба, педагог ва иш берувчиларнинг фикри сўровнома орқали ўрганилди.

Ушбу жараёнларни самарали, тизимли ва сифатли ўтказиш мақсадида халқаро тажрибалаб келиб чиққан ҳолда, барча таълим турлари бўйича таълим сифати индикаторлари ишлаб чиқилди ва аттестация жараёнлари соддалаштирилди.

Хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда олий таълим муассасаларида ички аттестация (ўзини ўзи баҳолаш) тизими жорий этилди ва ҳар бир ОТМ таркибда Таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари шакллантирилди. ОТМда таълим сифатини баҳолаш бўйича ички аттестацияни ташкил этиш ва бу жараённи объектив ва шаффоф олиб бориш мазкур бўлимларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ўз навбатида, таълим муассасасида таълим сифатини мустақил ички баҳолаш тизимини яратиш бўйича ҳамкорликда ишлар амалга оширилмоқда. Инспекциянинг таълим вазирликларидан, ОТМдаги бошқа тузилмалардан мустақиллиги унинг ҳеч бир тўсиқларсиз тўлақонли иш олиб боришига имкон яратмоқда. Ташқи аттестация жараёнларига ҳамда олий таълим муассасаларининг рейтингини шаффоф аниқлашда инспекциянинг ОТМлардаги бўлиmlари яқиндан ёрдам бермоқда.

Ҳозирги кунга қадар барча олий таълим муассасалари режа асосида ўрганилмоқда. Олтинчи олий таълим муассасаси аттестациядан ўтказилди ва 14та ОТМда таълим сифатини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар комплекс ўрганилди. Ўрганишларда асосий меъёр сифатида иш берувчилар фикри ва талабалар билимларининг давлат таълим стандартлари, талаблари ва малака талабларига мувофиқлиги эътибор қаратилди.

Аттестация жараёнига 129та бакалаврият йўналиши ва 44та магистратура мутахассислиги жалб қилинган. Натижаларга кўра, 37та бакалаврият йўналиши (28,7 фоиз) ва 13та магистратура мутахассислиги (30 фоиз) аттестациядан ўтмади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 феврал-

Аттестация жараёнига 129та бакалаврият йўналиши ва 44та магистратура мутахассислиги жалб қилинган. Натижаларга кўра, 37та бакалаврият йўналиши (28,7 фоиз) ва 13та магистратура мутахассислиги (30 фоиз) аттестациядан ўтмади.

2018 йил август ойидан бошлаб республикамизда хорижий давлатларда таълим оланлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш учун Давлат хизматлари марказлари орқали арзлар қабул қилиш тизими жорий қилинди.

даги 21-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ОТМ билан "йўл хариталари" тузилиб, бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади ва шунда ҳам ўтмаган йўналишлар ёпилади.

Шу кунгача республика миқдоридаги тўртта олий таълим муассасаси шартли равишда ўтди. Олий таълим муассасаларини ўрганиш ва аттестация натижалари юзасидан 20та муассаса бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқилган бўлиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Ўрганиш ва аттестация натижаларига кўра, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган 20дан зиёд масъул ходимлар ўз вазифасидан озод этилди. Ҳар бир текширув натижалари бўйича таҳлилий маълумотномалар Президент Администрациясига, Вазирлар Маҳкамасига ҳамда тегишли вазирликларга киритиб берилмоқда.

2018 йилнинг охирига қадар яна 8та олий таълим муассасасини аттестациядан ўтказиш белгиланган.

Сўнгги йилларда таълим тизимида шиддат билан рўй бераётган ислохотлар ва ўзгаришлар, яъни хорижий таълим муассасалари билан қўшма факультетлар ва дастурлар ташкил этилганлиги, сиртки ва кечки таълим шаклларининг қайта жорий этилганлиги, масофавий ўқитишга, нодавлат таълим хизматига кенг йўл очилганлиги, мактабгача таълим тизимидаги тубдан янги ислохотлар таълим муассасаларини аккредитациялаш жараёнини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом янги тахрирда ишлаб чиқилмоқда.

Унга кўра, мутлақо янги тизим таклиф қилиниб, аттестация жараёнлари 2 кунгача қисқартирилди (амалдаги тартибда 10 кун эди) ва жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ички ва ташқи аттестация ўтказилиб, умумтаълим муассасалари беvosита ўзини ўзи баҳолашда иштирок этиди.

— Таълим соҳасида яна қандай муаммолар бор, уларни бартараф этиш бўйича таклифларингиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, бу борадаги энг долзарб муаммолардан бири ишлаб чиқариш билан интеграция-

нинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, кадрлар тайёрловчи муассасалар билан буюртмачилар ўртасида алоқаларнинг сустлиги ва рақобат муҳитининг тўлақонли шакланмаганлиги ҳисобланади.

Иккинчидан, илмий салоҳиятнинг пастлиги, талаба-ёшларни илмга йўналтириш ишларининг сустлиги, уларда мустақил изланувчанлик ва ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологияларни қўллаш малакаси талаб даражасида эмаслигини.

Учинчидан, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ҳозирги кун талабларига жавоб бера олмаслиги (профессор-ўқитувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш тизимининг мавжуд эмаслиги, малака оширишнинг билвосита шакллари (семинар, конференциялар, тадқиқотларда қатнашиш) тан олинмаслиги, халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги).

Инспекция томонидан малака ошириш институтлари ва марказлари фаолияти ўрганилганда, бу борада кўплаб камчиликлар аниқланди. Жойларда уларни бартараф қилиш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқилмоқда. Бир ҳақиқатни тушуниб этиш вақти келди: таълимнинг сифати ўқитувчининг сифатидан ошиб кета олмайди. Ҳозирда дарс ўтаётган педагогларнинг илмий салоҳияти ва педагогик маҳорати инновацион ривожланиш талабларига жавоб берадиган кадр тайёрлаш имконини бермайди.

Тўртинчидан, таълим тизимида ягона марказлашган электрон маълумотлар тизими мавжуд эмаслиги бу соҳадаги бошқарув қарорларини кам самарадорлигига сабаб бўлмоқда ва таълим тизими бошқарувида ортиқча бюрократия, қоғозбозлик ва сансалорликни келтириб чиқармоқда.

Энди таклифларга тўхталсам.

Ташкил этилаётган қўшма факультетлар ва таълим дастурлари доирасида нафақат олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, балки профессор-ўқитувчилар ўртасида тажриба алмашиш, биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва университетнинг илмий салоҳиятини ошириш каби йўналишларда ишлаш олиб бориш лозим.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, яъни малака оширишнинг кечки, сиртки ва масофавий шакллари ривожлантириш, ўқув режа ва дастурларини мустақил экспертизадан ўтказиш механизмининг жорий этиш, ўз



мутахассислиги бўйича малака ошириш ҳамда халқаро ҳамкорлик асосида қўшма малака ошириш курсларини ташкил этиш, малака оширишнинг билвосита шакллари тан олиш ва ривожлантириш, қисқа муддатли ва мавзули-тематик курсларни ташкил қилиш, ўқитишнинг кредит-модул шаклига ўтиш, кредитлар йиғилиб борилиши ва тан олиншини таъминлаш зарур.

Маҳаллий олий таълим муассасаларининг экспорт салоҳияти ва халқаро даражада жозибдорлигини ошириш зарур. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим тизимида мавжуд "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш, уларни халқаро рейтингларда ўрин олишига ҳар томонлама қўмаклашишни талаб этади. Таълимга нафақат иқтисодий ўчун малакали кадрлар тайёрлаш сифатида, балки Ўзбекистон экспортини диверсификация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қараш вақти келди.

Шунингдек, мустақил таълим олишни ташкил этиш тизимини хориж тажрибаси асосида қайта кўриб чиқиш ва ОТМлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур.

— Инспекцияга фаолиятини лицензиялаш ва хорижий олий ўқув yurtлари томонидан берилган хужжатларни нострификациялаш ишлари юкланган. Бу борада йиллар давомида талай муаммолар тўпланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

— Тўғри таъкидлагингиз, лицензиялаш ва нострификациялашда муаммоли масалалар жуда кўп эди. Уларга аста-секинлик билан бўлса-да, ечим топилмоқда. Ана шу муаммоларнинг комплекс ечим сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3276-сонли қарори қабул қилинган.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш мақсадида нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби соддалаштирилди.

Натижада қисқа муддат ичида 515та нодавлат мактабгача таълим, 85та нодавлат умумий ўрта таълим, 199та нодавлат мактабдан ташқари таълим муассасалари, 567та кадрлар малакасини

ошириш ва уларни қайта тайёрлаш нодавлат ўқув марказлари ҳамда 2та нодавлат олий таълим муассасасига фаолият юритиши учун лицензия берилди.

Шу кунга қадар, дунёнинг 50га яқин давлатларида таълим олиб келган жами 12310 нафар фуқаронинг ўрта махсус, касб-хунари таълими ва олий таълимга тегишли хужжатлари нострификацияланди ва нострификация гувоҳномалари расмийлаштириб берилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 7663та олий (дипломли мутахассис) маълумот тўғрисидаги таълим ҳужжати, 781та магистр даражасидаги таълим ҳужжати, 2312та олий бакалавр даражасидаги таълим ҳужжати ва 1554та ўрта махсус, касб-хунари таълими тўғрисидаги ҳужжат нострификацияланди.

Умуман, инспекция фаолиятини бошлаган даврдан буён жами 692 нафар фуқаронинг таълим ҳужжати тан олинган ва нострификацияланган бўлиб, шундан 193та таълим ҳужжати тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) нострификацияланган. Жумладан, 38та олий (дипломли мутахассис), 47та магистрлик, 562та бакалаврлик ва 45та ўрта махсус, касб-хунари маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нострификацияланган.

2018 йил август ойидан бошлаб фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида республика миқдорида хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш учун Давлат хизматлари марказлари орқали аризалар қабул қилиш тизими жорий қилинди.

Мазкур тизимга асосан ариза берилган кундан бошлаб 15 кун ичида хужжатларини махсус экспертизадан ўтказиш ва фуқарога давлат хизматлари орқали ҳулосани етказиш, белгиланган махсус синовларни қабул қилиш ва синовдан муваффақиятли ўтган фуқароларга нострификация гувоҳномаларини бериш тизими жорий қилинган.


Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялашда тақдим этилган ҳужжатлар сони амалдаги 5тадан 2тага камайитирилди. Яъни, бугунги кунда ариза берувчи фақатгина диплом ва унинг иловаси нусхаси, давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимасини ва белгиланган давлат йиғими тўланганлиги тўғрисидаги тўлов квитанциясини тақдим этади, холос.

— Масъулият ишларингизда муваффақиятлар таялмиз.

— Ташаккур.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ сўхбатлашди

“Шу кунга қадар, дунёнинг 50га яқин давлатларида таълим олиб келган жами 12310 нафар фуқаронинг ўрта махсус, касб-хунари таълими ва олий таълимга тегишли хужжатлари нострификацияланди ва нострификация гувоҳномалари расмийлаштириб берилди.”



10 САФАР ТААССУРОТЛАРИ

Хитой Халқ Республикаси — дунё харитасидан аҳолиси кўплиги, ишлаб чиқариши ривожланганлиги, янги инновацион гоёлар ижодкорлиги, техника тараққиётидаги улкан ютуқлари билан мустақкам ўрин эгаллаган.



Аҳолисининг 92 фоизи Хитой Халқ Республикаси вакиллари билан иборат. Бир юз йигирма тилда гаплашилади. Пурвиқор тоғлари, бетакрор дарё-денгизлари, ҳаётнинг рангидек яшил ўрмонлари билан биз журналистларни лол қолдирган мамлакат. Ижодий сафаримизни мазкур давлатнинг пойтахти Пекин шаҳридан бошладик. Нихоятда гўзал — осмонўпар бинолари, бетакрор гуллари, дарахтлари, кўрган кишини ҳайратга соладиган автолари ва маҳобатли кўприкларини тасвирлашга тил ожиз.

Сафаримизнинг биринчи қадамлари Пекиндаги Мин ва Цин сулоалари салтанати даврида императорлар учун қурилган Самовий ибодатхонадан бошланди. Умумий майдони 273 гектарлик мазкур ибодатхона Хитойнинг энг қадимий ва ўзига хос олий даражадаги ансамбллари билан бири ҳисобланади.

Бу ноёб тарихий ёдгорлик деса арзийдиган маскан 1961 йили мамлакатдаги эҳтиёт қилинадиган энг муҳим маданий бойликлар рўйхатига киритилди. 2009 йили давлат аҳамиятидаги маданий тасвир ҳудуди сифатида қайд этилди. Қисқа қилиб айтганда, Ибодатхона Пекин рамзларидан бирига айланган.

Ўзида қадимий руҳ ва жиловларни сақлаб қолган бу комплексларнинг ҳар бирида ўзига хос ранглари кўриш мумкин. Бир қарашда улкан бир боғни эслатадиган бу маскан ҳамisha одамлар билан гавжум. Яшиллик олами, ҳар бир дарахтнинг тарихий умри битилган белгилар кишини ҳайратга солади.

Кейинги манзил — Император саройи. Асрлар силсиласини кўтарган бу саройнинг кўрғонлари ҳозир ҳам мустақкам турибди. Сарой деворларининг метинлиги ўз хусусиятини асло йўқотмаган. Миллионлаб одамлар ташрифта қарамасдан саройдаги мингта яқин хоналар асл ҳолича сақланган. Кўтарилиш зиналарининг барчасида 9та пиллапояни кўриш мумкин. Бунда тўққиз рақамининг қандайдир хосияти ўз аксини топганлиги аниқ.

Иккинчи кунимиз Хитой марказий телевидениеси билан танишдик. Марказий телевидение 60 йиллик юбилейи арафасида экан. 10 000дан ортиқ ходим хизмат қилади.

Телевидение бинноси 44 қаватдан иборат. 37-қаватда шишадан қилинган айлана полдан пастга қараш қанчалик ваҳимали эканлигини тасаввур қилдик. Журналистларни синовдан ўтказиш усуллари билан бири деб тушундик бу ойна полни. Ахборот узатиш технологияларининг замонавийлиги, ходимларнинг юқори савияси кўрсатувларнинг сифатини таъминламоқда.

Хитой Марказий телевидениесининг рус тили кўрсатувлари дирекцияси раҳбарларидан бири жаноб Хуан ва рус тилидаги кўрсатувларни эфирга узатаётган ходимлар билан учрашувимиз ҳар икки томон учун ҳам қизиқарли бўлди. Энг аввало, телевидение биносининг бетакрорлиги, кенрақ бўлса ҳаммани ҳайратга соладиган даражада маҳобатли эканлигига қойил қолдик. Ўн йилдан буён эфирга узатилаётган рус тилидаги кўрсатувларни тайёрлашда 150 нафар ижодий ходим меҳнат қилмоқда. 24 соатлик эфир вақтида янгиликлар, нўхтани назар, маданий ва кўнглиочар кўрсатувлар Россия, Беларус, Қозоғистон ва бошқа бир қатор давлатларга узатилиши йўлга қўйилган. Шундан 8 соати жонли эфир. Телевидение кўрсатувларидан нафақат Хитой, балки бошқа давлатлар ҳаётига оид янгиликлар ҳам ўрин олган.

— Томошабинларимиз сони ҳозирча 1 миллионга яқин, — дейди Хуан жаноблари. — Сайтимиз ва интернет тармоқлари орқали 3000 обуначиларимиз бор. Улар қамровини янада кенгайтирагимиз. Чет эллик ҳамкорлар билан яхши алоқадамыз. Келгусида Ўзбекистон билан ҳам ҳамкорлик қилиш ниятимиз бор. Энг катта ютуқларимиздан бири ахборотни тўғри узатишдан иборат.

Халқаро коммуникация марказидаги учрашув ҳам таассуротларга бой бўлди. Хи-

ТИЛИМИЗ БОШҚА, ДИЛИМИЗ БИР...

тойнинг ривожланиш бошқичлари ва қўлга киритган ютуқлари, бой маданий мероси, саноати, санъати, барча-барчаси тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар шу марказда яратилади. Радио ва телевидение Корпорацияси вице-раиси Эй Сюн Бяо, кабинет директори Ли Минди, радиоянгиликлар бўйича бош директор Чжао Лин, Бош муҳаррир кабинетининг директор ўринбосари Чэн Ян, Хайся телеканали бош директори Ван Шаоюн, Фуцзян телерадиоэшиттиришлари бошлиғи Гао Чунфан Дуннан телеканали директори ёрдамчиси Ли Хунлар билан учрашувда уларнинг иш тажрибаси билан танишдик. Хайся телеканали кўрсатувлари 129та давлатни қамраб олган. Дуннан телеканали Шимолий Америка, Европа ҳамда Жанубий Шарқий Осиёга узатилиши билан эътиборга лойиқ. Халқаро ҳамкорлик алоқалари янада мустақкамланмоқда. Жорий йилнинг ўзида Бразилия, Жанубий Америка билан тажриба алмашиш тўғрисида шартномалар имзоланган. Халқаро даражадаги мультимедиа студиясининг қурилиши ахборот тўплаш ва тармоқлар билан алоқаларни мустақкамлаш имконини беради. Ижодий гуруҳ, шунингдек, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Филиппин, Япония, Европа каби ўнлаб давлатлар оммавий ахборот воситалари билан узоқ муддатли ҳамкорликка эришган.

Хитой газеталари ҳам жаҳондаги етакчи нашрлар қаторига кириди. "Жэнмин жибао" газетасида мингдан ортиқ журналист хизмат қилади. Дунёнинг турли мамлакатларида 70дан ортиқ муҳбирлик бўлимлари мавжуд. Газета алади 2 миллион 800 мингдан ортиқ. 15 июн 1948 йилда ХХР марказий қўмитаси бюроси наشري сифатида ташкил этилган мазкур газетани Мао Цзунунинг ўзи ном берган. Кундалик газета хитой, рус, инглиз, япон, француз, испан, араб, мўғул, тибет, уйғур, қозоқ, корейс тилларида чоп этилади.

Кейинги манзилимиз Фуц-

зян провинцияси бўлди. Қисқача номланиши Мин деб аталадиган бу жой мамлакатнинг энг катта ҳудудларидан бири саналади. Қуруқликдаги майдони 124 минг квадрат километр. 136 минг квадрат километр эса денгиз акваториясига тўғри келади. Аҳолиси 38,74 миллион кишидан иборат. Провинция таркибига 9та йирик шаҳар ва 85та туман кирилади. Нафақат иқтисодий ривожланиш нуқтаси, балки фан ҳам, маданият ҳам, таълим ва маърифат бобида ҳам ўзига хос мактаб яратган ўлка. Барча шаҳар ва туманларида оптик толали кабел тортилган, 4G алоқасидан фойдаланади. Барча қишлоқлари 3G алоқаси билан тўлиқ таъминланган. Кенг полсалди доимий интернет тармоғидан фойдаланиш коэффициенти 77,2 фоизни, мобил интернетдан фойдаланиш эса 78,6 фоизни ташкил этади.

Фуцзян газетаси тахририятида бўлди. Бу газета 300 000 нускада ҳар кун чоп этилади. Газетанинг мобил версияси ҳам бор. Ундан 6 миллион киши фойдаланади. Янги медиа бозорида барча соҳалар алоҳида тармоқлар бўйича 11та газетани бўлинган бўлиб, 16 бетлик ҳар бир газетанинг ўз ўқувчиси бор. "Оддий фуқаролар умумий ҳаёт ҳақидаги газетани кўпроқ ўқийди" — дейди газета раҳбари Фу Цзян Жи Бао жаноблари. Газеталарнинг ҳар бир саҳифаси рангли суратларга бой. Инфографикадан кенг фойдаланилади.

Ижодий сафаримиз давомида хитойлик дўстлар билан таржимон орқали гаплашган бўлсак-да, тилимиз бошқабошқа бўлса ҳам дилларимиз, урф-одатларимиз, айрим аъноаларимиз бир-бирига мос ва яқин эканлигини юракдан ҳис этдик.

Мазкур провинциядаги сафаримиз ҳали давом этади. Хитойдаги энг нуфузли Сямэн университети ҳақида кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоий
вилоятидаги муҳбири
Тошкент-Пекин-Фуцзян-
Пекин-Тошкент

Ижодий

сафаримиз

давомида

хитойлик дўстлар

билан таржимон

орқали гаплашган

бўлсак-да,

тилимиз бошқа-

бошқа бўлса ҳам

дилларимиз, урф-

одатларимиз,

айрим

аъноаларимиз

бир-бирига мос ва

яқин эканлигини

юракдан ҳис

этдик.

ДАСТЛАБКИ БИЛИМ: КИБЕРЖИНОЯТЧИЛАРНИ ЧЕТЛАБ ЎТИНГ



Бугунги кунда кибержиноятчиликнинг тури чексиз бўлиб, уларни асосан икки тоифага бўлиш мумкин: бир марталик, масалан, компютерга шахсий маълумотларни ўғирловчи вирус ўрнатиш ҳамда тизимли жиноятлар, масалан, кибербуллинг, талончилик, болалар порнографиясини тарқатиш ёки террорчилик ҳужумларини уюштириш. Демак, ҳар бир фойдаланувчи кибержиноятларга қарши тура оладиган дастлабки билимларга эга бўлиши керак.

Қуйида Cisco Systems компаниясининг хавфсизлик бўйича бизнес-консултанти Алексей Лукацкийнинг кибержиноятчилар қурбонига айланмаслик учун қандай чора-тадбирлар кўриш кераклиги ҳақидаги маслаҳати билан танишасиз.

Фақат ўз ақлингизга таянманг, дастурларга ишонинг

Киберхавфсизликнинг асосий муаммоси — инсон, ҳар қандай киши: корпоратив ҳам, шахсий ҳам. Бу доимо ёдда тутилиши керак.

Агар авваллари хакерлар энг аввало заифликлар орқали ҳужумлар уюштирувчи техник тайёргарлик кўрган инсонлар бўлган бўлса, бугунги кунда тармоқдаги тажовузкорлар, биринчи навбатда, ақли психолог-мутахассислардир. Агар экраннинг нариги тарафидаги жиноятчи тўдалар таркибида мутахассислар ишлаётган бўлса, техник ечимлар таҳдидлардан қучли ҳимоя қилолмайди. Улар одамларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганадилар, фойдаланган усулларини таърифлайдилар ва айнан шу маълумотлар кибержиноятчиликлар содир этилишига етарлидир.

Кибержиноятчиларнинг тактикалари жуда кўп. Энг кўп тарқалгани — электрон почтага худди асли каби ҳақиқий домен, масалан, банк ёки солиқ хизматидан хабар юбориш. Агар фойдаланувчи шошиб турган бўлса, фарқни сезмайди: кўз билан ҳақиқий хабар ва сохта маълумот ўртасидаги фарқни англаб бўлмайди. Кибержиноятчилар, масалан, инглизча алифбодаги рамзларни русчага алмаштиришди ва натижада манзил ҳақиқий кўриниш олади.

Демак, оддий маслаҳат — беғоналардан келган мактубларни очманг! Сохта хабарларни кузатиб борадиган ва ўчирадиган браузерлардан ёки электрон почта да-

стурларининг махсус созмалаларидан албатта фойдаланинг.

Ҳатто улар сизга жудаям ўхшаса ҳам бегона “дўстлар”га ишонманг

Хакерлар вақт йўқотишмайди: улар қурбоннинг психологик портретини тузишга ҳафталар ва ойларни сарфлашади — сизнинг одатларингизни, сеvimли мусиқа ва филмларингизни ўрганишади, қаерда дам олишингизни кузатишади ва шулар асосида профилингизни яратишади. Улар буларни қўлда эмас, балки сунъий тафаккурдан фойдаланган ҳолда амалга оширишади.

Сунъий тафаккур технологияси илми сиз ҳақингиздаги маълумотларга асосланган “дўст”га мос келувчи фотосуратни яратиш имконини беради: ташқи кўринишига қараб қандай одамларни ёқтиришингиз ёки ёқтирмаслигингизни сиз босган лайклар орқали белгилаш мумкин. Керакли маълумотлар жамлангач, хакерлар барча хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, сохта фойдаланувчилар аккаунтларини яратадилар, лекин, бу дўст бўлишни хоҳлаётганингиз учун сизга аҳамиятсиздир — “дўст”ингизни мулоқот доиранингизга қўшиб қўйверасиз. Дўст сифатида тан олганингиздан сўнг унинг шахсий хабарларига ишонишингиз эҳтимоли табиийки анча юқори бўлади. Ва айнан шу нарса хакерларга қўл келади.

Ҳўш, унда ҳақиқий одамдан ботни қандай ажратиш мумкин? Синаб кўринг: фойдаланувчидан умумий қизиқишларингиз ҳақида сўранг. Агар бу бот эмас, ҳақиқатан реал одам бўлса, унда сиз унинг профилида ёзганларини ўзаро сўхбатлардаги савол-жавобларда ёзганлари билан солиштириб кўришингиз керак.

Дастурий таъминотни мунтазам янгиланг

Бу ҳақда жуда кўп таъкидланган — компютердаги дастурларни мунтазам янгилаш туринг ёки автоматик янгилаш

нишни белгилаб қўйинг. Нафақат дастурларни, балки плагинлар, масалан, браузерларни ҳам камида ҳафтада бир марта янгилаш керак. Айнан шулар орқали кибержиноятчилар фойдаланувчилар устидан назорат ўрнатишади ҳамда компютерингиздан спам, вируслар юбориш, DDoS-ҳужумлар уюштириш учун фойдаланишади.

Зарарли сайтларга кирганингизда зарар келтирувчи скриптларнинг бажарилишига тўсқинлик қилувчи қўшимча бепул браузер кенгайтмаларини ўрнатишингиз жуда фойдали. Бундай скриптларнинг вазифаси — фойдаланувчи компютери устидан назорат ўрнатиш ёки ундан, масалан, криптовалюта майнинги учун фойдаланишидир. NoScript, uMatrix yoki JS Blocker каби кенгайтмалар кўпгина сайтларда кераксиз скриптларни ўчириб қўяди.

Реклама блокерларидан ҳам фойдалансангиз арзийди. Кибержиноятчилар кўпинча реклама майдонларини ижарага олади ва у ерга фойдаланувчи устига босган вақтда ишлайдиган зарарли қолланган баннерларини қўйишади. Оқибатда компютер зарарланади ёки фойдаланувчи зарарли сайтларга кириб қолади. Аксар ҳолларда бундай сайтлар ҳақиқийдек кўринади, аммо аслида улар интернет-банкнинг ёки электрон почта мижози интерфейсининг сохталаштирилгани бўлади. Ишонувчан фойдаланувчи логин ва паролини киритади, хакерлар эса унинг почта қутисига кириш ёки банк аккаунти ҳақидаги маълумотларни ўғирлаш имконига эга бўлишади. Сайт номида биттагина ҳарф ўзгарган бўлиши мумкин ва буни ҳар доим ҳам англаб олиш қийин. Айтганча, бундай сайтларга планшет ёки смартфонлар орқали кириш эҳтимоли юқори, чунки бундай ҳолатда браузер сатрлари кичкина ҳарфларда бўлади ва кичик экранда хатоларни илгаш анча мушкул.

Ўзингизга ўта ишонманг

Фойдаланувчиларнинг кўп тарқалган яна бир муаммоларидан бири — уларнинг клавиатурада тез ва бехато ёза олишига

бўлган ишончи. Бу муаммо кўпинча смартфон ва планшетларда рўй беради: виртуал клавиатура кичкина ва бармоқлар қўшни ҳарфларга тегиб кетади. Афсуски, буни яхши билган тажовузкорлар барча комбинациялар орқали автоматик тарзда тартибланиш имконини берувчи махсус дастурлар ва сохта веб-сайтлар яратадилар.

Масалан, “Сбербанк” ўрнига “Сбербанк” эшик орқали ҳам банк онлайн кредитлари веб-сайтига кирса бўлади. Ёки онлайн банкка логин ва паролни тақдим этадиган интерфейсида “Сбербанк”ка ўхшаган сайт бўлиши мумкин. Шунинг учун, аввало, браузер қаторида нима ёзилганига диққат билан қараш, иккинчидан, сохта ресурсларни блокловчи махсус браузер воситаларидан фойдаланиш керак.

“Эгизак” пароллардан фойдаланманг


Ҳоҳ шахсий бўлсин, хоҳ корпоратив — турли ресурсларга тўлиқ кириш учун бир хил пароллардан фойдаланиш мумкин эмас. Ҳар йили кўплаб фойдаланувчилар бир хил хатога йўл қўйишади: улар пароллари боши ёки охиридаги бир-икки белгини ўзгартиришади, лекин уларнинг асоси бир хил қолаверади.

Турли сайтларга турли пароллар яратиш ва уларни унутмаслик учун, биринчи навбатда, сиз password-менеджер (парол бошқарувчиси)дан фойдаланишингиз, иккинчидан, пароллар танлаш учун алгоритм ўйлаб топишингиз мумкин. Масалан, эслаб қолиш осон бўлиши учун парол сифатида албатта паспорт рақамини, туғилган кун санасини ёки уй ҳайвони номини танлаш шартмас, балки бирор ассоциация ёки энг сеvimли қўшиқ ёхуд шەърнинг биринчи иккита ёки учта ҳарфини танласак мақсадга мувофиқдир. Бир тарафдан, бундай паролни бузиш қийин, иккинчи томондан эса керак бўлганда уни осон эслай оласиз.

Мураккаблик — хавфсизлик даражасини белгилайди. Паролнинг узунлиги аниқ бир тўсиққа нисбатан аҳамиятлроқдир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ
тайёрлади

“Турли сайтларга турли пароллар яратиш ва уларни унутмаслик учун, биринчи навбатда, сиз password-менеджер (парол бошқарувчиси)дан фойдаланишингиз, иккинчидан, пароллар танлаш учун алгоритм ўйлаб топишингиз мумкин.”



● ФАН

КИЛОГРАММ ЕНГИЛЛАШМОҚДА...

Кейинги ҳафтада Халқаро ўлчовлар ва оғирликлар бюроси (BIPM) оғирликнинг халқаро стандартини пасайтириши мумкин — агар бу иш ҳақиқатан ҳам амалга ошса, бир килограммнинг оғирлиги камайиб қолади... Гап шундаки, оғирликнинг идеал ўлчами — платина ва иридийнинг килограммлик бўлаклари турли физик жараёнлар сабаб енгиллашиб қолган.

Оғирликнинг биринчи стандарт ўлчамини Европада француз қироли Людовик XVI савдогарлар ва харидорларни товламачилардан ҳимоялаш мақсадида жорий эттирган. Бу 0 °C ҳароратдаги бир литр сув эди. Фран-

ция 1795 йили бошқа оғирлик стандартини — 4 °C ҳароратдаги бир литр сувни қабул қилди.

Орадан ярим аср ўтгач бу ўлчам ҳам талабга жавоб бермай қолди ва оғирлиги 1 килограммлик металл (платина ҳамда иридий) идеал ечимга айланди.

Килограммнинг халқаро прототипи (эталони) Париж яқинидаги Севр шаҳарчасида жойлашган Халқаро ўлчовлар ва оғирликлар бюроси (BIPM)да сақланади. Бу баландлиги ва диаметри 39,17 миллиметрли цилиндр бўлиб, платина-иридий қотишмасидан (платина — 90 фоиз, иридий — 10 фоиз) ясалган.

Ўлчовда қулайликлар бўлиши учун мамлакатлар BIPMдан оғирлик эталон-



лари нусхаларини олиб туришади. Аммо бу нусхалар ва қолаверса оригинали ҳам, жуда кам миқдорда бўлсада, кичрайиб боряпти, бу ҳаво орқали металлларга ҳар хил молекулалар тушиши оқибатидир.

Шу сабабдан ҳам кейинги ҳафта BIPM йиғилиш ўтказади, унда оғирлик ўлчови сифатида металлдан бос-

қичма-босқич воз кечиш ва оғирлик учун мезон сифатида Планк константаси физик қонунини олиш муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Айни пайтда BIPM жорий этган оғирлик эталонидан 100 дан зиёд мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Европа Иттифоқи, МДХ мамлакатлари ҳам фойдаланмоқда.

● САЛОМАТЛИК



“БИЛЛ ГЕЙТСНИНГ УНИТАЗИ”

Билл Гейтс канализацияга уланмайдиган ва сув ишлатилмайдиган унитаз лойиҳасини тақдим этди. Тақдимот Хитойдаги Reinvented Toilet Expo — 20дан зиёд компаниялар чиқиндини қайта ишлаш бўйича инновацияларни тақдим этган кўргазмада бўлиб ўтди.

“Билл Гейтс унитаз”да чиқиндиларни ўғитта айлантириб берадиган бир неча хил химикатлар ишлатилади. Миллиарднинг айтишчи, концепция деярли таппа-тайёр, у тез орада ишлаб чиқарувчиларга берилади.

Ушбу лойиҳа устида Билл Гейтснинг жамғармаси етти йил изланди ва 200 миллион доллар молиявий кўмак олди.

Хомчўтларга кўра, канализацияга уланмайдиган бундай ҳожатхона бир оилага 500 долларга тушади. Арзон эмас, аммо...

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти бонг уришича, 2,3 млрд. киши бирламчи санитария шароитларига ҳам эга эмас. Ҳар йили Африка ва Жанубий Осиёда ярим миллиондан ортиқ беш ёшгача бўлган болалар ичак инфекциялари ва диареянинг оғир шаклидан вафот этади.

● ИННОВАЦИЯЛАР



ҚОЗОҒИСТОН ОСИЁ ВА ЕВРОПА ЎРТАСИДАГИ “РАҚАМЛИ КЎПРИК”КА АЙЛАНМОҚЧИ

Қозоғистон пойтахти Остонада 6 ноябр куни халқаро технопарк очилди.

Astana Hub, Қозоғистон ахборот ва коммуникациялар вазири Даурен Абаевнинг таъкидлашича, Қозоғистоннинг Осиё ва Европа ўртасидаги “рақамли кўприк”ка айланишига хизмат қилади.

Astana Hub Қозоғистонда 2017 йили бўлиб ўтган ЭКСПО кўргазмаси павилонларида жойлашган. Технопарк майдони 9,6 минг квадрат метрга тенг бўлиб, унда маърузалар ва конференция заллари, ахборот технологиялари компанияларининг офислари ва лабораториялари ўрин олган.

● НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

ОЛИМЛАР ЕР ОҒИРЛИГИНИ НЕЙТРИНОДА ЎЛЧАБ КЎРИШДИ

Париж Дидро университети астрофизиклари Ернинг массасини ўлчашнинг янги усулини тақдир этишди — нейтрино ёрдами. Нейтринолар — сайёрамизга бетиним ёғилиб турувчи сирли фазовий зарралардир.

Ер оғирлиги ва zichлиги шу пайтгача товуш тўлқинлари ва тортишиш кучи орқали ўлчанган. Парижлик олимлар эса Жанубий кутбда IceCube телескопи ёрдамида бурчакка тушувчи зарралар сонини ҳисоблаб чиқишди

Сўнг бу маълумотларни агарда телескоп детекторидан қуйида Ер бўлмаганда қайд этилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар билан солиштиришди. Натижалар Nature Physics журналида батафсил ёритилган.

Мана шу синов орқали олимлар 5,972E24 килограмм (5,972 септиллион кг.) кўрсаткични олишди — олдинги усуллар билан ўлчанганда ҳам Ернинг оғирлиги шунча чиққанди. Битта фарқи бор: нейтринода ўлчанганда Ер ядросида олдинги ҳисоб-китоблардагига қараганда оғирроқ чиқди.

Хуллас, нейтрино ҳам “Ер тарозиси”га айланиши мумкин.



● МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ


ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ ПАРКИНИ БАРПО ЭТАДИ

Жанубий Корея 2022 йилга бориб 3 ГВт қувватли қуёш станцияларига эга бўлмоқчи. 2030 йилгача эса бу кўрсаткич ўн бараварга оширилиши — мамлакатдаги қуёш станцияларининг умумий қуввати 30,8 ГВтгача етказилиши мўлжалланмоқда. Бу ҳақда PV Magazine Корея Республикаси президенти Мун Чжэн Инга асосланиб хабар берди.

Жанубий Корея ҳозирча электр энергиясининг 8 фоизини тикланувчи манбалардан оляпти. Шунинг учун ҳам мамлакат ҳукумати энергетика тизимини тубдан ислоҳ қилишга 8,8 млрд. доллар ажратди.

Тикланувчи энергетика маркази Сэмангим инновацион ривожланиш зонасидаги 409 квадрат километр майдонда бошланади. Корея Республикаси 2030 йилдан бошлаб электр энергиясининг 20 фоизини тикланувчи манбалардан олишни режалаштирган.

Сэмангимда қуёш станцияларидан ташқари, қуввати 1 ГВтга тенг шамол станцияси ҳам қурилади.



● БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

НИТАСНИ КОМПАНИЯСИ СУНЬИЙ ТАФАККУРЛИ БИРИНЧИ БАНКОМАТНИ ЧИҚАРАДИ

Япониянинг Hitachi компанияси тез орада товламачиларга қарши курашишда қўл келувчи сунъий тафаккур ва юзни таниш тизимига эга банкомат чиқармоқчи.

Бу банкоматда нейротармоқ кишининг ташқи кўринишини баҳолайди: юз тузилишини банк базасидаги фотосуратига солиштирилади. Тизим, шунингдек, фойдаланувчидан (бўлса, албатта) қора кўзойнаги, шарфи ёки бош кийимини ечишини ҳам сўраши мумкин: рад жавобига рад жавоби берилди — нақд пул берилмайди.

Қурилма полиция базаларига уланади, товламачилар танилиб қолмаслик учун бундай банкоматларга яқинлашишмаса ҳам керак.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади



Кейинги икки йил давомида президент Доналд Трамп маъмурияти АҚШнинг узоқ йиллардан бери ўзгармай келган ҳамкорликларини савол остига олиб, мамлакат ташқи сиёсатини алғов-далғов қилиб юборди. Эндиликда Вашингтон ташқи сиёсатининг яна ўзгаришини кутиш мумкин, chunki Конгресснинг куйи палатаси — Вакиллар палатасида ғалаба қозонган демократлар бундан буён мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига ўз таъсирини кўрсатади.

АҚШ сиёсий тузуми шундай тузилганки, унда ижро этувчи ҳокимият — Оқ уй мамлакат ташқи сиёсатини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Аммо, Конгресс аъзолари пул масаласига келганда катта таъсир кучига эга: уруш, дипломатия ҳамда разведка амалиётлари бюджети улар назоратида. Демократлар Вакиллар палатасида ғалабага эришган бўлса-да, Сенат бошқаруви республикачилар қўлида қолди.

Вакиллар палатасидаги демократлар қайси қонун лойиҳалари кўриб чиқилишини аниқлашда ҳамда мамлакат бюджетини сарфлаш ва қонунларини ўзгартиришда каттароқ рол ўйнайди. Бу эса АҚШ Россия, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатларга қатъийроқ муносабатда бўлишига олиб келиши мумкин.

Брукингс институти илмий ходими Марвин Калбнинг айтишича, мазкур ҳолат АҚШнинг ташқи сиёсатини янада чигаллаштириши мумкин. “Жуда кўп музокара бўлади, учрашувлар ўтказилади. Аммо, булар-

АҚШ конгресси: Вакиллар палатасини энди демократлар бошқаради



нинг сони қанчалик кўп бўлса, президентга таклиф қилиниши мумкин бўлган контраргумент, контрстратегия ишлаб чиқиш эҳтимоли шунчалик оз бўлади”, — дейди Калб.

Собиқ АҚШ давлат котиби Жон Керрининг штаб етакчиси Дэвид Уэйд сайловдан олдин чоп этган мақоласида демократлар ўз режаларини тузишлари керак, деган фикр-

ни илгари сурди. “Демократлар ташқи сиёсатни ишлаб чиқишлари керак. Бунинг учун ўзини глобализациядан орта қолганмиз, деб ҳисобловчи Трампга овоз берган сайловчилар билан алоқани тиклаб, Трампизмга қарши глобал муқобил таклиф қилиш каби нозик масалалар бўйича ўзларига йўл топишлари лозим”.

Британиянинг Россия ва НАТО-ги вакили ҳамда Британия ташқи ишлар вазирлигининг бошқа лавозимларида ишлаган Иан Бонд Европада АҚШдаги оралиқ сайловлар Вашингтоннинг кейинги йўналишини белгилловчи қадам ўлароқ қўрилаганини айтди. Унинг айтишича, Шимолий Америка ва Европа ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорликка ишонувчилар сайлов натижасида Американинг Европадаги ҳамкорларини қадрловчи ҳамда президент Трампнинг трансатлантик ҳамкорликни бекор қилиш қобилиятини чекловчи Конгресс шаклланишига умид қилмоқдалар.

НАТО Афғонистондан чиқиб кетмайди

НАТО ҳарбийларининг Афғонистонда бўлиши Ғарбнинг манфаатларига жавоб беради. Ҳозирча НАТО кучларининг мазкур мамлакатни тарк этиши ёки улар сонини қисқартириш бўйича аниқ сана маълум эмас. Альянс Бош котиби

Йенс Столтенберг Кобулда яна шундай баёнот берган.

Столтенберг сешанба куни президент Ашраф Ғани билан музокара ўтказди. “Биз қанча керак бўлса, шунча қоламиз. Биз Афғонистонда хавфсизлик бўйича мураккаб вазият билан тўқнашяпмиз”, — деди НАТО раҳбари. — Албатта, биз бу ерда Афғонистонга ёрдам бериш учун боримиз. Аммо, айти пайтда ўз манфаатимиз ҳам бор. Биз халқаро терроризмга қарши курашяпмиз. Бу ерда бўлиш хавфсизлик манфаатларига мосдир”.



Роҳинжаларни Мянмага қайтаришга шошилманг!

БМТ эксперти, Мянмадаги инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи Янghi Ли Бангладешдаги қочқин роҳинжаларни Мянмага қайтаришга шошилмасликка қақирди. Унинг айтишича, роҳинжалар ақлга сиғмайдиган даҳшатларни бошларидан ўтказган жойларга қайтарилиш қўрқуви билан яшамоқда. Қолаверса, Мянма ҳукумати роҳинжалар яна аввалги вазиятга тушиб қолмаслигига ҳеч қандай кафолат бермаган. “Мен Мянма ҳукуматининг роҳинжалар ватанига қайтиши, уларнинг хавфсизлиги ва фундаментал ҳуқуқлари таъминланиши учун аниқ қадамлар ташлаганини кўрмайман”, — деди Ли.



Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Туркия яқин келажақда Европа Иттифоқига киролмайди

ЕИ кенгайиш ва яхши қўшничилик масалалари бўйича Европа комиссари Йоханнес Хан Туркиянинг яқин келажақда Европа Иттифоқига аъзо бўлиш эҳтимоли йўқлигини билдирди. “Ҳозир Туркиянинг ЕИга кириши бўйича музокараларни тўхтатиш ҳамда имконияти бўлган соҳаларда стратегик ҳамкорликни йўлга қўйишга эътибор қаратиш тўғрироқ бўларди, — дея таъкидлади Германиянинг Die Welt нашрига интервью берган Хан. — Айти дамда евроинтеграция масаласида турк расмийлари билан алоқалар қарийб музлатилган”.

Туркия 2005 йилдан бери Европа Иттифоқига кириш учун музокаралар олиб боради. Die Welt нашрига берган интервьюсида Йоханнес Хан ўшандан бери мамлакат автократия сари силжиётгани, шу сабабли Европа Иттифоқининг айрим мамлакатлари, жумладан, Франция ва Австрия Туркиянинг Евроиттифоққа қабул қилинишига қатъиян қарши чиқатганини айтган.

Рухонийларга маош тўланмайди

Греция бош вазири Алексис Ципрас ва Юнон православ черкови бош руҳонийси Иероним 10 мингга яқин руҳоний ва ёрдамчи ходимлар давлатдан маош олмаслиги юзасидан дастлабки келишувга келди.

Korrespondent.net хабарига кўра, мавжуд иш ҳақи тизимида руҳонийларга барча давлат хизматчилари қаторида бевосита давлат бюджетидан маош тўланар, бунга йилга 200 миллион евро атрофида маблағ сарфланар эди. Эришилган келишув давлат келгусида руҳонийларга ҳақ тўлаш учун черковнинг махсус фондида ҳар йили субсидиялар йўналтиришини кўзда тутди. Энди руҳонийлар давлат хизматчиси саналмайди, уларга маош эса черков томонидан ушбу фонд орқали тақсимланади.



Николай ХАЙТОВ
(1919–2002)

Болгар драматурги, публицист, ёзувчи, "Хайдуқлар" тарихий хроникаси ва ҳикоялар тўпламлари, шунингдек, болалар учун пиесалар, киносценарийлар ва китоблар муаллифидир.

Унинг ilk очерки 1954 йили "Септември" журналида чоп этилди ва журнал раҳбарияти ёзувчи билан доимий ҳамкорлик қилиш таклифини билдирган. Тез орада унинг қатор ҳикояларини жамлаган "Съперници" ("Рақобатчилар") деб номланган дастлабки китоби чоп этилди. 1967 йили нашрдан чиққан "Ёввойи ҳикоялар" китоби уни том маънода машҳурлик чўққисига олиб чиқди. Унинг Болгарияда босилган ва қайта нашр этилган китоблари тўрт миллион нусхадан ортади. Асарлари 28 хорижий тилларга таржима қилинган.

Номи "Барча даврнинг юз буюк болгари" китобига киртилгани Николай Хайтовнинг ўзига хос машҳурлигидан гувоҳ беради.



(Ҳикоя)

Э, ошнам, ичим тўла ҳасрат, сиз сўраманг, мен айтмай. Суриштираман десангиз, калаванинг учи қирқ йилнинг нариберисига бориб тақалади.

Ўшанда мен ўн тўртта қирган етим бола эдим. Отам ҳам, онам ҳам ҳаётдан бемаврид кетдилар. Онамни-ку, хасталик кулатди. Аммо, отам ҳалибери ҳаётдан умид узалиган эмасди, уни қўшни-мизнинг ҳўкизи сузиб ўлдирди. Мен бувам билан бувимнинг қарамоғида қолдим. Бувимнинг ўнг қўли ишламай қолиб, уй юмушларини бажаришга қийналгач, бувам мени уйлантиришга қарор қилди. Мендан: "Уйланасанми?" — деб сўраб ҳам ўтиришмади. У пайтда сенинг рози-ризалигинг билан ҳисоблашишмасди, кексаларнинг ўзлари ишни пишитиб қўя қолишарди.

Бир куни тасодифан чол-камбирнинг маслаҳатларини эшитиб қолдим бувамнинг бу аҳди қатъий эканини англадим. Бувим аввалига "ҳали ёш", деб эътироз билдирди. Бироқ, бувам: "Ёшлиги қолибди-

ми, овози раста бўлганини сезмаясанми? Юлдузига тўғри келадиган қиз топиш керак", деб гапни калта қилди.

Мен йигит кишининг нима мақсадда уйланишни тузукроқ билмасам-да, қандай қиз топишар экан, деб қизиқиб юрдим. Бир куни яйловдан келсам, уйимизда фақат узун бўйи билан эмас, хунари билан ҳам қишлоққа беш қўлдек маълум бўлган, белбоғига ҳамиша қайчи осиб юрадиган тикувчи ўтирибди.

— Рамадон, бўтам, амакинг сенга чолвор тикиб бериш учун келибди. Рангли чолвор киясанми ёки олмисиданми? — деб сўрадилар бувам.

Шундан бўлак мендан ҳеч нимани сўрашмади. Ҳатто фотиҳа қилишда ҳам, тўйда ҳам менинг истагим билан мутлақо қизиқишмади. Тикувчи чоршанба куни келган эди, пайшанбада рангли чолвор тайёр бўлди. Жума куни эса тўй бошланди. Ноғоралар чалинди. Дош-қозондаги шўрва биқирлаб қайнайди. Мен эса "Келин ким экан?" деган

хаёлда гарантман. Охири чидамасдан бувимдан сўрадим.

— Келин бу қишлоқлик эмас, тоғдан, — бувим шундай деб гапни калта қилди-да, ўз юмушлари билан овора бўлди. Мен эсам "Келин ёшми, ўзи қанақа?" деб сўрашга уялдим. Ҳаммаси оқшомда аён бўлди. Мулла никоҳ ўқиғач, келин билан ёлғиз қолдик. Ҳа, айтмоқчи, унга қадар бувам мени бир четга тортиб, узоқ чайналди.

— Сен ёш бола эмассан, — деди, — сен энди эркаксан! Ҳақиқий эркаклигини шу кеч исбот қил. Тушундингми? У ер-бу ерини тимдалаб бўлса ҳам... Йўқса, қишлоқдагилар олдида уятга қоламиз.

Бувамнинг нима деяётганларига тушунмай туравердим. Шундан кейин аччиқланиб, менга ҳамма гапни лўнда-лўнда қилиб тушунтириб берди.

Келин билан ёлғиз қолгач, ярим соатча қимирламай жим ўтирдим. Гапирай десам,

Николай ХАЙТОВ

хаёлимга дурустроқ сўз келмайди. Бошига ташланган рўмолни кўтарай дейману журъат қилолмайман. Ниҳоят, унинг ўзи юзини очди. Мен уни қари хотин, десам, ўзим тенги ёш қизалоқ экан. Оппоққина, кўзлари кўм-кўк, киприклари узун-узун. Худди капалакка ўхшаган нозик бу қизга анграйганча қараб қолибман. У бирдан қулиб юборди-да:

— Уяляпсанми? — деб сўради.

— Ҳа... Озгина...

— Нимадан уяласан?

Чолворинг жуда чиройли экан. Белбоғинг ҳам. Биз-бизак ўйнамаймизми?

Мен "ҳа" ёки "йўқ" дейишга улгурмасимдан у белбоғимдан ушлаб тортиди. Дам у чир-чир айлангани, дам мен. Шу зайлда хўроз қичқургунча ўйнаб-миз. Бирдан бувамнинг гаплари эсимга тушиб, ўйланиб қолдим. "Ҳозир тонг ёришади. Кейин келиб сўрашади". У хаёлга ботганимни сезган экан, сабабини суриштирди. Мен бор гапни яширмай, унга айтдим.

— Шунинг ўйлаб, ташвишланиб ўтирибсанми? — у шундай деб нимадир қилган эди, бурнидан қон келди. Бу қонни кимларга кўрсатишди, кейин нима қилишди, билмайман. Бўлган гап шуки, тўйдан сўнг биз Силвина билан тотув яшай бошладик. Унинг номи энди "хотин" бўлгани билан, аслида қиз бола эди. Мен Силвинани тобора қаттиқроқ яхши кўра бошладим. Юрагимнинг ришталари унга тинмай чирмашаверди. Оқибатда эса ришталарга қўшиб юрагимни ҳам илди-пилдизи билан суғуриб олишлари мумкинлигини билмабман.

(Давоми бор)

Тоҳир МАЛИК
таржимаси

ҚИСҚА ҲИКОЯ

Инсон ва дунё

Баҳор фаслининг эрта тонги. Кўёш йилт-йилт қилиб олтин нурларини ер юзига беминнат сочар эди. Латиф нурлардан илҳомланиб, бир капалак пилласидан ёриб чиқди. Катта ва ҳафиф, нозик, оппоқ қанотлари бор эди. Кўзларини очиб, ўзини боғдаги чаманзор орасида кўрди. Қалдини ростлаб боғни бир учиб айланиб чиқди. Сўнгра дам олиш учун қизил гулга қўнди. Дам ола туриб қанотларини ўнг-у сўлга ёйиб сўнг бирлаштирди, атрофни кузатди. Боғнинг кенлиги, яшилликларидан роҳатланиб соатларча сайр қилди... Дам олиб етарли куч тўплаб олди. Энди сайр қилишнинг пайти ва олдинда кўп вақт бор эди.

Дарахтларга учди. Гул япроқларига қўнди. Эркин, озод ва бахтли эди. Уни ким кўрса "Бунчалар ҳам чиройли бўлмасанми?" дейишарди. Оқшомгача гулдан-гулга, дарахтдан-дарахтга қўниб учиб юрди.

Кўёш ботишида ичинини галати бир ҳис қамраб олди, умри охиридаб қолганини тушуниб етди.

Фақатгина бир кундан иборат бўлган умри ниҳоялаб қолган эди. Сўнгги марта атрофни кузатди. Кўёш ботган томонга қараб кўзларини юмди ва бошқа ҳеч қачон уйғонмади!

Туркчадан Фотима АЛИЙ таржимаси

Вақт
борида
шоҳ
асарларни
ўқиб
қолинг, акс
ҳолда,
бунга
улгурмайсиз!
ТОРО

Муносиб ҳисса

“Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар Халқаро мақом санъати анжуманини юқори савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшишди”

Шаҳрисабз шаҳридаги I Халқаро мақом санъати анжуманини юқори савияда ўтказишда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбар ходимлари, малакали мутахассислари, техник ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Улар анжуманининг ташкилий ишлари, трансляцияси, муҳандислик-коммуникация, замонавий технологияларни қўллаш, хорижлик меҳмонлар ва иштирокчиларга ахборот технологиялари соҳасининг энг замонавий хизматларини тақдим этишда фаоллик кўрсатишди.

Гап шундаки, анжуманга тайёргарлик жараёнида Шаҳрисабз шаҳридаги “Оқсарой” мажмуаси ҳудудида ҳамда Амир Темур номидаги моддий маданият музейи ва майдони учун жами 15та Wi-Fi панел ва асосий анжуман майдонидаги кўнгилочар масканда битта Wi-Fi роутер орқали, шунингдек, хорижий меҳмонлар ва тadbир иштирокчилари жойлаштирилган 9та масканда алоқа ва юқори тезликдаги интернет хизматлари ташкил этилди. Жумладан, “Шаҳрисабз юлдузи” меҳмонхонасида мавжуд FTTx тармоқ билан 12 дона Wi-Fi роутер, “Кеш палас” меҳмонхонасигача 0,55 км. масофада оптик толали алоқа линияси қурилади ва 4 дона Wi-Fi роутер, “Улугбек” меҳмонхонасигача 0,5 км. оптик толали алоқа линияси қурилади, 3 дона Wi-Fi роутер,



“Бек Hotel” меҳмонхонасидаги ADSL тармоғи орқали 2 дона Wi-Fi роутер, “Дилмурод бобо” меҳмонхонасида мавжуд ADSL тармоқ орқали 2 дона Wi-Fi роутер, “Эшон Пир” меҳмонхонасидаги ADSL тармоқ орқали бир дона Wi-Fi роутер, шунингдек, шаҳар ташқарисидаги “Лочин” меҳмонхонасида мавжуд FTTx тармоғи асосида 11 дона Wi-Fi роутер ҳамда Китоб туманидаги “Минг чинор Шўртан” меҳмонхонасигача 1,1 км. оптик толали алоқа линияси қурилади, 11 дона Wi-Fi роутер ўрнатилди.

Этиборлиси, тadbирни узлуксиз тўғридан-тўғри Ўзбекистон МТРКга узатиш учун ОТАЛ тортилади, тadbир ўтказиладиган ва хорижий меҳмонлар дам олиши учун тайёрланган 11та объект томон жами 9,9 км. ОТАЛ ётқирилиб, 75 дона Wi-Fi роутерлар ўрнатилди.

Амир Темур хиёбони, “Оқсарой” мажмуаси ва “Лочин” меҳмонхоналари ҳудудида “Ўзбекителеком” АК “ЎзМобайл” филиалига қарашли БТСларда 4G мобил алоқа тармоғи янгитдан



ўрнатилиб, ишга туширилиши натижасида юқори тезликдаги интернет хизматидан фойдаланиш имконияти яратилганлиги анжуман иштирокчилари ва меҳмонларига манзур бўлди.

Мутахассислар томонидан Халқаро мақом анжуманининг (www.maqomforum.uz) веб-сайти яратилиб, веб-сайт соат сайин янгиланган бўрилди. Шаҳрисабз шаҳрида “Call” марказ ташкил этилди, 1197 қисқа рақам бириктирилганлиги алоқа ва ахборотлар узатиш ва ундан фойдаланишда қўл келди.

Tadbir иштирокчилари ва меҳмонлари учун жами 9та катта ҳажмдаги мониторлар ўрнатилди. Халқаро мақом санъати анжумани ўтказиладиган майдонда ҳар бир вилоятдан қатнашган ишчи гуруҳ ва меҳмонлар учун ҳам 13та монитор ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, ва-

зирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар (ҳудудий бошқарма, “Ўзбекителеком” АК ва унинг филиали, Республика махсус алоқа боғламаси, Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази, уяли алоқа компаниялари ва бошқалар) кечаю кундуз ишлар олиб бориб, Халқаро мақом санъати анжуманини юқори савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшишди. Шу сабабли ҳам хайрли ишда фаол иштирок этган бир гуруҳ соҳа раҳбар ва мутахассислари – Қаҳрамон Юлдошев, Назиржон Ҳасанов, Асаджон Хўжаев, Жаҳонгир Арипов, Рустам Шукуров, Абдулазиз Усмонов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташаккурномалари билан тақдирланишди. Яқинда вазирликда тақдирланганларга ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

ЭЪЛОНЛАР!

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирилари:

“Аудиовизуал технологиялар” кафедраси — 1, “Тизимли амалий дастурлаш” кафедраси — 1.

Доцентлар:

“Ахборот таълим технологиялари” кафедраси — 1, “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси — 1, “Мултимедиа технологиялари” кафедраси — 1, “Информатика асослари” кафедраси — 1, “Компютер тизимлари” кафедраси — 1, “Аудиовизуал технологиялар” кафедраси — 1, “Электроника ва радиотехника” кафедраси — 1, “Гуманитар фанлар” кафедраси — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

“Ахборот технологиялари” кафедраси — 1, “АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси — 1, “Чет тиллари” кафедраси — 1, “Информатика асослари” кафедраси — 1, “Электроника ва радиотехника” кафедраси — 1, “Почта алоқаси технологиялари” кафедраси — 1, “Ахборот технологиялари” кафедраси — 1, “Физика” кафедраси — 1. “Маълумотларни узатиш тизимлари ва тармоқлари” кафедраси — 1, “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. тел: 238-64-06.

СПОРТ

Шаҳрам Ғиёсов профрингга 41та Ғалаба қозонган боксчи билан жанг ўтказди

Олимпия ўйинлари совриндори, ҳаваскор боксда жаҳон чемпиони Шаҳрам Ғиёсов 24 ноябрда профессионал боксдаги навбатдаги жангини ўтказди. Шу кунги ҳаюртимизга мексикалик чарм қўлқоп устаси Мигел Замудио рақиблик қилади.

Маълумот учун, Шаҳрам бугунги кунгача профессионал боксда бешта жанг ўтказган ва уларнинг барчасида ғалаба қозонган. Тўртта баҳсни у муддатидан олдин якунлай олган.

27 ёшли Замудио эса профессионал боксда 53 маротаба жанг қилишга улгурган. Жанглارнинг 41тасида у ғалаба қозонган (25таси нокаут эвазига). 11та жангда мағлубиятга учраган (9та нокаут). Яна битта жангда дурангга эришган.

Нокаутчи Шоҳжаҳоннинг навбатдаги “ўлжаси” маълум бўлди

Профессионал боксчимиз Шоҳжаҳон Эргашев 10 ноябр кунги ўзининг навбатдаги жангини ўтказди. Ҳаюртимизга бу сафарги жангда америкалик Зак Рэмси рақиблик қилади. Бу ҳақда Миллий олимпия кўмитаси матбуот хизмати хабар берди.

Маълумот учун, Зак шу кунгача профессионал рингда 12та жанг ўтказиб, уларнинг 8тасида ғалаба қозонган (4таси нокаут эвазига). Тўртта жангда мағлуб бўлган (2та нокаут).

Шоҳжаҳон эса профессионал боксдаги фаолияти давомида 14та жанг ўтказиб, уларнинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилган. 13та жангда ҳаюртимиз муддатидан олдин ғалаба қозона олган.



Катта ўқитувчилар:

“Гуманитар фанлар” кафедраси — 2, “Телерадиоэшиттириш тизимлари” кафедраси — 1, “Чет тиллари” кафедраси — 1, “Компютер тизимлари” кафедраси — 1, “Менежмент ва маркетинг” кафедраси — 1, “Информатика асослари” кафедраси — 1, “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси — 1.



Ортиқча кузатув ва ҳар бир нарсга изох талаб қилиш бошқалар фикрини қабул қилиш хусусиятидан маҳрум қилади.



Бола тарбиясидаги хатолар

Болаларимиз бизнинг келажигимиз, эртанги кунимизнинг қандай ўтиши уларнинг қай даражада баркамол бўлиб вояга етишларига боғлиқ. Шундай экан, улар тарбиясида ўта эҳтиёткор ва ҳушёр бўлмоғимиз талаб этилади. Куйидаги тавсияларимиз шулар ҳақида.

Болангизни ҳеч қачон бир-бирига солиштирманг, зеро ҳар бир болада қобилият, билим, иқтидор турлича бўлади. Уларни ўзаро солиштириб, бирини иккинчисидан устун

қўйиш, ажратиш ҳар иккиси ҳаётини барбод этади: бирида манманлик, иккинчисидан худбинликни ривожлантиради.

Танасига қўполлик билан уриш, ёмон сўз билан ҳақоратлаш боладаги ўзига бўлган ишонччи барбод қилади.

Ҳеч қачон фарзандларингиз устидан кулманг, уларни масҳара қилманг. Бу ҳолат ўзини ҳурмат қилмасликни юзага келтиради.

Айрим ота-оналар "Биз қийинчиликда катта бўлдик, энди болаларимиз эркин ўсиш-

син", дея фарзандларини ўта эркалатиб, талтайтириб юборишади. Улар истаган нарсани доимо муҳайё қилишади. Бу эса болани масъулиятсиз қилиб қўяди.

Ортиқча кузатув ва ҳар бир нарсга изох талаб қилиш бошқалар фикрини қабул қилиш хусусиятидан маҳрум қилади.

Болангиз эришган кичик бўлса-да, муваффақият учун мақташни, янада янги марралар сари чорлашни унутманг. Зеро, болани шижоатлантирмаслик янгилик яратиш ва ижод қилишдан маҳрум этади.

Биласизми?



Қатиқ — ичимликлар ичда энг фойдалиси ҳисобланади. У организмга ижобий таъсир қилиш билан биргаликда, турли касалликларни енгишга ёрдам ҳам беради. Қатиқнинг қандай фойдали хусусиятлари ва хоссалари бор?

● Организмни озуқа моддалари билан таъминлайди.

Қатиқда кўп миқдорда А, С, D, В витаминлари, минерал тузлар, оқсиллар, ёғ ва кўп органлар фаолиятини нормалаштирувчи сут кислотасини ҳосил қиладиган замбуруғлар мавжуд.

● Иммун тизимини мустаҳкамлайди.

Қатиқ ўзининг бой таркиби туфайли, организмда пайдо бўладиган турли касалликлар ва инфекцияларга қарши курашувчи иммун ҳужайраларини ишлаб чиқаради.

● Осон ҳазм бўлади. Таркибидаги сут кислотаси оқсилнинг парчаланишига ёрдам беради, шунинг учун энгил ҳазм бўлади.

● Аллергия қақирмайди. Сут таркибида кўп аллергия қўзғатувчилар бўлиб, улар ачитиб жараёнда йўқолади. Шу сабабли, қатиқ — ёш болалар учун ҳам асосий озуқа ҳисобланади.

● Суяклар ва тирноқларни мустаҳкамлайди. Қатиқ таркибида кальций моддаси кўп бўлгани учун суяклар ва тирноқларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Кўпроқ, эмизувчи оналарда кальций моддаси етишмаслиги сабабли, уларга ҳам қатиқ ичиш тавсия қилинади. Кексалар учун эса, остеопороз касаллигининг олдини олиш учун энг яхши восита ҳисобланади.

САЛОМАТЛИК

Тирноқлардаги ишора

Тирноқлар инсон саломатлигига оид айрим касалликлар ҳақида ишора бериши мумкинлигини биласизми? "Ортодокс" тиббий порталининг маълум қилишича, тирноқларнинг ранги ва шаклига эътибор қаратиш орқали бунга эришса бўлади.

Масалан, тирноқлар сарғиш рангда бўлса, ўпка ва жигар касалликлари, шунингдек, қандли диабетга ишора қилади. Псевдомонад онихия — Pseudomonas aeruginosa бактерияси натижасида юзага келадиган камёб касаллик бўлиб, бактерия сув ёки тупроқда яшайди. Агар бактерия тирноқ атрофига ўрнашган бўлса, тирноқ ўсгач, у яшил-қўкиш пигмент ҳосил қилади.

Агар тирноқларда қора чизиклар бўлса, булар одатда меланома, терининг хавфли ўсимтасига шубҳа уйғотади. Тирноқлардаги оқ доғ-



лар организмга витамин ва микроэлементлар етишмовчилиги натижасидир.

Тирноқ тузлилигининг ўзгаришига қараб ҳам баъзи белгиларни илғаш мумкин. Тирноқлардаги майда чуқурчалар тирноқ псориази каби тери касалликларининг юзага келиши эҳтимолидан дарак беради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78. Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқаради

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1143 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 2790 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.